По его просьбе был отправлен из Герата в Стамбул уйгурописьменный список рукописи «Кутадгу билиг». В конце этой рукописи, в качестве приложения, даны четверостишия, принадлежащие перу Абдурраззака-бахши. Одна из страниц этого текста по своему стилю отличается от стиля «Кутадгу билиг». Он скорее напоминает стиль стамбульской рукописи «Махзану-л-асрар».

Важно и то, что в конце этих стихов автор поставил свою подпись с пометкой внизу: *baxši belgüsi*, идентичная подписи в конце рукописного сборника, составленного Абдураззаком-бахши в Стамбуле.

Еще один важный момент заключается в том, что в этом списке памятника написаны заглавие книги и заглавия разделов произведения.

В начале произведения дается такое заглавие: «*Maxzanu-l-asrār-i Mavlānā Haydar 'alayhi-r-raḥma*» (ĪA.28b).

Оглавления внутренних разделов даны на арабском, персидском или тюркском языках. Большая часть начальных традиционных глав написаны золотистыми чернилами на арабском или персидском языках.

Основные заглавия переданы на тюркском языке.

Тюркские заглавия написаны уйгурскими шрифтами, под каждым из них красными чернилами дается транслитерация арабскими буквами. Для наглядности приведем несколько примеров заглавий: «*Mirzā İskandarniñ husn-i taḥallusī*» (ĪA.53a); «*Ya 'qūbi payyambar ḥikāyatī, 'alayhi-s-salām*» (ĪA.56b); «*Sultān Temürbegniñ bu bir ḥikāyatī, taqrīb-i tasrīf ücün aytur*» (ĪA.58b); «*Sulaymān payyambar 'alayhi-s-salāmniñ ḥikāyatī, taqrīb ücün keltürüp turur*» (ĪA.75b–76a) и т.д.

Текст написан черными чернилами уйгурским шрифтом. Под каждой строкой дается транслитерация красными чернилами. Каждая страница состоит из одиннадцати строк. Текст написан красивым каллиграфическим почерком.

Стиль письма памятника отличается от стилей рукописей «Кутадгу билиг», «Тазкира-и авлия», а также уйгурописьменного текста «Хибату-л-хакайик», переписанного Зайну-л-Абидином-бахши в Самарканде в 1444 году.

В конце каждого листа под уйгурским текстом вставлена погинация.

Газели Лютфи начинаются такими заглавиями: «*Lutfi aytur*»; «*Bu dayi Lutfiniñ yazali*»; «*Bu dayi Lutfiniñ*»; «*Mavlānā Lutfiniñ yazali*»; «*Lutfi yazali*»; а газели Саккаки названы: «*Sakkāki aytur*»; «*Sakkākiniñ yazallaridin yana bir yazal aytur*». Они тоже написаны черными чернилами уйгурскими буквами. Под каждой строкой дается арабописьменная транслитерация красными чернилами.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Маснави «Махзану-л-асрар» Мир Хайдара является великолепным образцом узбекской поэзии первой половины XV в. В это время в государстве Темуридов имела широкое распространение уйгурская письменность. Алишер Навои назвал это *türkçä hat*. Все тюркоязычные поэты этого периода, в частности Мир Хайдар, Агаи, Гадаи, Лютфи, Саккаки широко пользовались этим алфавитом. Для них он был родным.

Данные источников свидетельствуют о том, что Мир Хайдар написал маснави «Махзану-л-асрар» уйгурским шрифтом. Экземпляр книги, преподнесенный Султану Искандеру, был также отображен на основе этого письма. Наряду с ним существует и несколько других экземпляров рукописи, выполненных этим шрифтом. Все эти списки были сделаны при жизни поэта. Возможно, среди них имеются авторские варианты, о чем свидетельствуют текстовые различия дошедших до нас рукописей.

В дальнейшем, во второй половине XV в., когда арабский алфавит вытеснил старотюркский, появились арабописьменные экземпляры этого шедевра тюркской поэзии.

До наших дней дошли уйгурописьменные и арабописьменные списки «Махзану-л-асрар». Как показывают наблюдения, уйгурописьменные списки относятся к более раннему периоду, они уникальны и близки к авторскому варианту. Несмотря на то, что уйгурописьменный текст Абдурразака-бахши относится к более позднему времени (1480 год), есть основания считать, что он переписан из неизвестного уйгурописьменного списка более раннего периода.

Современные научные публикации «Махзану-л-асрар», в своем подавляющем большинстве, составляются на основе арабописьменных рукописей. При этом уйгурописьменные списки остаются в тени. Между тем они являются важным источником для создания научных, научно-критических и сводных текстов этого уникального памятника тюркоязычной поэзии.

РЕЗЮМЕ

В государстве Темуридов имела широкое распространение так называемая уйгурская письменность (по словам Алишера Навои *türkçä xaṭ*). Все тюркоязычные поэты, жившие в этот период, к числу которых относятся Мир Хайдар, Атаи, Гадаи, Лютфи, Саккаки, широко пользовались этим алфавитом.

В науке известны уйгурописьменные и арабописьменные списки маснави «Махзану-л-асрар» Мир Хайдара, уйгурописьменные списки которого считаются более ранними и близкими к авторскому варианту. Поэтому они являются важным источником в создании научных, научно-критических и сводных текстов этого уникального памятника тюркоязычной поэзии первой половины XV столетия.

Ключевые слова и словосочетания: *уйгурская письменность, книжное дело и книжное искусство, восточная рукопись, уйгурописьменная книга, узбекская классическая литература, тюркский язык, маснави.*

The so-called Uyghur script (according to Alisher Navoi, *türkçä xaṭ*) was widely used in the Temurid state. All Turkic poets who lived during this period, including Mir Haidar, Atai, Gadai, Lutfi, Sakkaki, widely used this alphabet.

Science knows the Uyghur-written and Arabic-written copies of the masnavi «Makhzanu-l-asrar» by Mir Haidar, whose Uyghur-written copies are considered earlier and closer to the author's version. Therefore, they are an important source in the creation of scientific, scientific-critical and summary texts of this unique monument of Turkic poetry of the first half of the 15th century.

Key words and phrases: *Uyghur writing, book industry and book art, oriental manuscript, Uyghur-written book, Uzbek classical literature, Turkic language, Masnavi.*

Письменные источники:

UB – «Махзану-л-асрар» Мир Хайдара. Уйгурописьменный список Алишаха-бахши, хранящийся в Берлинском Национальном библиотеке (Staatsbibliothek zu Berlin) под шрифтом: Ms. orient. Oct. 358. PURL: <http://resolver.staatsbibliothek-berlin.de/SBB0000391A00000000>

IA – «Махзану-л-асрар» Мир Хайдара. Уйгурописьменный список Абдурраззака-бахши переписанный в 1480 году в Стамбуле (на сраницах 28b–81a). Рукопись хранится в фонде библиотеки месжеди Аясофия под номером 4757.

FB – Шейх Ахмед бин Худайдад Тарази. «Фунуну-л-балага». Бодлеанская библиотекта Оксфордского университета. Рукопись под номером: MS. Elliot 127.

MLF – «Мухакамату-л-лугатайн»: В куллияте Алишера Навои,

хронящиеся в отделе Фатих в библиотеки Сулеймания в Стамбуле под номером: 4056 (страницы 773b–781a).

ML/KN – «Мухакамату-л-лугатайн»: В куллияте Алишера Навои, хронящиеся в музее дворца Топкапы в Стамбуле под шифром: Revan 808. – Külliyyât-ı Nevâi (İnceleme – Tıpkıbasım). Hazırlayan Günay Kut. – İstanbul, 2020 (774a–781b).

MLP – «Мухакамату-л-лугатайн»: В куллияте Алишера Навои, хронящиеся в Французском Национальном библиотеке в Париже под шифром: Suppl. Turc. 317 / 1513 (на сраницах 277b–285b).

MN/KN – «Маджалису-н-нафаис»: В куллияте Алишера Навои, хронящиеся в музее дворца Топкапы в Стамбуле под шифром: Revan 808. – Külliyyât-ı Nevâi (İnceleme – Tıpkıbasım). Hazırlayan Günay Kut. – İstanbul, 2020 (659a–693a).

Yug – «Хибату-л-хакайик» Адиб Ахмед Югнаки: Arat 1992: A – факсимиле уйгурописьменного списка переписанной в 1444 году в Самарканде: S. I–LXII; B – факсимиле текста переписанной уйгурским, подстрочно арабскими шрифтами Абдурраззаком-бахши в 1480 году в Стамбуле: S. LXIII–CXVII.

DDT – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. – SPb., 1869.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

Arat 1992 – Edib Ahmed b. Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Hakayık. R.R. Arat. – Ankara, 1992.

НАЛ – Навоий асарлари учун қисқача луғат. Тузувчи Б. Ҳасанов. – Тошкент, 1993.

Çakmak 2019 – Serkan Çakmak. Mahzenü'l-Esrâr'ın Uygur Harfli Ali Şah Bahşî Nüshası. Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi. TAED – 66. 2019. S.331–354.

Sertkaya 1972 – Sertkaya O.F. Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harfleriyle Yazılmış Bazı Manzum Parçalar. I. – İstanbul, 1972. S. 15–32; Levha XI–XXV.

Haydar Tilbe 2008 – Haydar Tilbe. Mahzenü'l-Esrâr (Gramer-Metin-Dizin-Tıpkıbasım). Avni Gözütok. – Erzurum, 2008.

Ҳайдар Ҳʼаризмӣ 2020 – Ҳайдар Ҳʼаризмӣ. Маҳзан ал-асрār (The Treasury of Secrets). An Edition of the Manuscript Preserved at the Oriental Collection of the Library of the Hungarian Academy of Sciences. Edited and Translated by Benedek Péri. – Budapest, 2020. P. 7-50.

Жўраев 2023 – Жўраев Жамолiddин. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор» асари матний-қиёсий тадқиқи. – Тошкент, 2023.

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАРИХИДА РАСМИЙ УСЛУБИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ГЕНЕЗИСИ МАСАЛАЛАРИ

Адабий тилда мавжуд услублар тарихи йўналишида изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларни жамият тараққиётининг қай босқичида расмий услуб юзага кела бошлаганлиги қизиқтириши табиий. Маълум маънода, расмий услуб – давлатчилик тарихи, ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши билан боғлиқ. Бироқ, масала моҳиятига чуқурроқ қаралса, расмий матнлар ва уларнинг услуби анча эски ижтимоий ва лингвистик ҳодиса эканлиги, у чуқур, босқичма-босқич такомиллашиб келган жараён эканлигининг шоҳиди бўламиз. Услублар тарихидаги бу жараён, назаримизда, давлатчилик институтлари юзага келмасдан бурунроқ шакллана бошлаган. Бу даъвои исботлаш учун ўрнаклар кўмагига таянамиз.

Маълумки, кишилиқ жамияти пайдо бўлишиданоқ инсонларда теварак-борлиқни идрок этиш ҳисси шакллана борган; ўзини ўраб турган олам билан танишув жараёни кечган. Бу - бадий тафаккурнинг ривожланувига асос бўлган муҳим омиллардан бири эди. Бадий тафаккурнинг ёрқин кўринишини ғор, қоя, тоғу тошлардаги турли ҳайвон ва ўсимликларнинг расмларида топамиз. Таъкидлаш ўринлики, ўтмишда ўтганлар қолдирган қоя, ғор, ҳарсанглардаги ҳайвон, ўсимликлар ва ов жарёни тасвирида атроф-оламни бадий идрок этиш тафаккури қаерда тугаб, қачондан ёзув пайдо бўла бошлаганини аниқлаш мумкин эмас¹. Жамият тараққиётининг ана шу поғонасида уруғ, қабила, жамоа аъзоларининг ўзаро олди-берди, айирбошлаш, иқтисодий муносабатларини қайд этиш эҳтиёжи туғилди. Расмий муносабат билан боғлиқ мазкур жараён, қайд этишнинг келиб чиқишига замин ярата борган. Қайд этиш (фиксация) эса ёзувнинг вужудга келишига сабаб бўлган дастлабки факторлардандир. Ушбу вазифа (қайд этиш)ни уруғ-жамоа вакиллари ўзаро бевосита алоқа боғлаш йўли билан амалга оширишлари мумкин бўлган, бироқ бу ҳолда инсон хотирасининг заифлиги кўплаб олди-бердиларнинг эсдан чиқиб қолишига сабаб бўлар эди. Бунга вақт асосий тўсиқ бўлиб, ёзилган, қайд этилган сўзгина улардан устун келиши мумкин бўлган. Халқимиз тилидаги «хатга тушдинг - ўтга тушдинг» мақоли айни ана шуни назарда тутиб ижод этилган бўлса ажаб эмас. Бу ҳикматли сўз халқимиз дунёқарашида қайд, ёзув, ҳужжат анчайин эски ҳодиса эканлигидан дарак беради.

Шу ўринда, дунёнинг энг қадимги халқлари тарихида умумий тарзда кечган расмий муносабат белгилари шаклланишининг энг оддий кўринишларини таҳлил этамиз.

Бошлаб, қайд учун кишилар ўйлаб топган белгилар фикрни масофа ёхуд замонларга узатишни мақсадда тутмас эди, балки уни фақат

1 . Лоукотка Ч. Развитие письма. М., 1950. Стр. 14

эслатарди. Бирор нарсани эслаб қолиш учун рўмолнинг учини туғиш одати шундан қолган. Сўнгра буюмларга муайян маъно берила бошлаган. Улар олдиндан келишиб олинган нарсаларни билдирувчи ўзига хос сигналлар, шартли белгилар бўлиб ҳисобланган. Чўпхатга ёки дарахт танасига кертиб белги солиш, тугунлар, тизимчалар, уруш эълон қилиш вақтида эса камон ўқи ва бошқа буюмлар шундай шартли белги вазифасини ўтаган. Буюмга маъно бириктириб қўйишнинг бундай усули «буюмли ёзув» деб аталган². Кишилиқ жамияти ривожининг «буюмли ёзув» давридаёқ расмий услуб белгиларини аниқ кўриш мумкин. Сон, рақамларни билдириш учун, масалан, тахтачўпларга кертиб шартли белгилар ўйилган. Бу хатчўплардан битимлар тузишда фойдаланилган. Битим тузишда хатчўпни бўйламасига қоқ ўртадан бўлиб, ярми бир томонга, иккинчи ярми иккинчи томонга берилган. Бўлакчалар бирлаштирилганда кертиклари бир-бирига тушган. Бу каби хатчўплар қарз битимларини тузишда тилхат ўрнида хизмат қилган. Хотирада узоқ сақланиши керак бўлган воқеалар дастаги учун ҳам хатчўплардан фойдаланилган.

Ёзувларнинг келиб чиқиш тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотларда «ахборот таёқлари ёки ҳассалари» дея юритилувчи тахталар ҳам қадимда ўзига хос буюм-мактуб вазифасини ўтаган. Улар қадимги Европа халқларида, Хитойда, австралиялик ва африкалик қабилалар ўртасида машҳур бўлган. Бошқа қабиланинг элчиси олиб келган ҳасса ташриф буюрган шахснинг ваколатини тасдиқловчи ўзига хос ҳужжат бўлган (элчиларга бериладиган «ишонч ёрлиғи» вазифасини бажарган). Ҳассага кертиб белгилар ва хотира нишонлари туширилган. Элчи уларга қараб ўзига қанча топшириқ берилганини эслаган. Кертик-белгиларнинг жойлашиши, маълум шартли маъноларга эга бўлган.

Юқорида таҳлил этилган дунёнинг энг қадимги халқларида мавжуд расмий муносабат белгиларининг такомилли билан боғлиқ ўрнаклар туркий халқлар тарихида ҳам кўплаб топилади. Бу каби мисолни юнон сайёҳи ва тарихчиси Ҳеродот ёзиб қолдирган «Тарих» асарининг тўртинчи китобида туркий халқларнинг эски аждодларидан бўлмиш скифлар билан боғлиқ бир воқеада учратамиз. Ўша тарихий воқеани Ҳеродот шундай ҳикоя қилади: Эрон шоҳи Доро I тахтни эгаллаб, ўзига бўйсунмаганларнинг таъзирини бериб бўлгач, дарҳол ўз давлатига қўшни элнинг ерларига қўз тикади.

Доронинг кўп сонли қўшини ҳужум бошлаб скифлар ерига ёпирилади.

Доро скиф ерларининг ичкарасига кириб бориб мушкул аҳволга тушиб қолгач, скифларнинг шоҳи даҳшатли истилочига ғалати совға: қуш, сичқон, қурбақа ва бешта дона камон ўқи юборди. Эронийлар бундай мактубнинг маъносини чопардан ҳар қанча сўраб-суриштирадилар ҳам, у бир жавобни такрорлайверади: унга «совға»ни топширишгина буюрилган, унинг маъносини тушуниш уларнинг ўзларига ҳавола қилинган.

Кейинчалик маълум бўлишича, бу ишора скифларнинг кескин талаби

2 Дрочук В. Ёзувлар - ўтмиш сирлари шоҳиди. Тошкент, 1980, 11 б.

ифодаланган мактуб (ультиматум)и бўлиб чиқди: «Агар сиз, эронийлар, куш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ҳолда мана шу ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз».

Кутилмаган ҳодиса рўй берди. Ўша даврда жаҳонда энг йирик давлат ҳисобланган Доро I подшоҳлиги шармандаларча мағлубиятга учради. «Буюм» ультиматум ижодкорлари – скифлар ғалаба қозонди³.

Фактлар туркий халқларнинг расмий муносабат белгилари такомили қадимги мисрликлар, шумерлар, хитойликлар, ҳиндистонликлар, эронликлар сингари жуда эски тарихга илдиз отганлигини далиллайди.

Турмушда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мураккаблашган сари расмий қоғозларга эҳтиёж тобора ортиб борарди. Меҳнат тақсимооти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритишни талаб қиларди.

Бу жараёнларнинг бари расмий муносабатларнинг босқичма - босқич ривожига, тадрижий такомилига замин ярата борган. Демак, расмий тафаккурга ёзувнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида баҳо бериш керак.

Расмий муносабат - турли пароканда қабила-уруғларнинг халқ сифатида шаклланиш босқичига қадам қўяётганини кўрсатувчи муҳим далилдир.

Ҳужжатларнинг турли жанрлари жамият тараққиёти билан боғлиқ эҳтиёжлар туфайли вужудга келди. Шу сабабдан, инсоният тарихининг энг қадимги босқичидан бадиий, тарихий, илмий асарларга нисбатан, бизгача етиб келган ёзма манбалар орасида, асосий қисми - турли ҳужжатлардир.

Адабий тил халқ тилининг сайқал топган, расмий муносабатларда, давлат бошқарувида, матбуот ва таълим тизимида қўллашга яроқли бўлган бир кўринишидир. Халқ тилига қараганда у жамият тараққиётининг кейинги - анча юксалган босқичида юзага келган. Маориф соҳасининг юзага келиши, саводхонликнинг ортиши, халқ маданий қарашларининг такомили, ўз навбатида, адабий тил меъёрларининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Маълумки, адабий тил ёзма адабиёт билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бироқ, адабий тил тарихини фақат ёзма адабиёт билан боғлаб қўймаслик керак. Адабий тилнинг юзага келишида ёзма адабиёт билан бир қаторда бошқа услубларнинг таъсирини ҳам кузатиш мумкин. Бу жараёнда, айниқса, расмий услубининг таъсири катта.

Расмий услубнинг тарихи давлатчилик, халқаро муносабатлар тарихи билан боғлиқ. Давлат бошқарув жараёнлари, қўшни эллар билан муносабатларда қўлланиладиган расмий матнлар муайян бир қолипга туширилган, уларда дипломатик атамалар, мурожаат шакллари, бирикмалар, ифода усуллари ишлаб чиқилган бўлади. Ҳатто турли мақсадларда қўлланилувчи ҳужжатлар матни бир-биридан фарқланиб туради. Демак, расмий услубининг айрим унсурлари адабий тил

³ Келтирилган ушбу ўрнак В. Драчукнинг қайд этилган китобидан олинди: Драчук В. Ёзувлар - ўтмиш сирлари шоҳиди. Тошкент, 1980, 35-361 б.

шакллангунга қадар юзага келган. Тўғрироғи, туркий ёзма адабий тилнинг илк кўриниши расмий тил шаклида бўлган.

Ёзма адабий тил шаклланаётган бир кезде расмий матнларнинг услуби анча такомиллашган бўлади. Хужжатлар тилида қўлланган бирикмалар, ифода усуллари, расмий атамалар тайёр ҳолда адабий тилга кўчирилади ва бу жараён, табиийки, уни муайян қолипга туширишга туртки бўлиб хизмат қилади. Масалан, *bitim*, *yarliğ* сўзлари бошлаб расмий муомалада, аниқроғи, хужжатчиликнинг юзага келиши билан баробар пайдо бўлганлиги аниқ. Уларнинг маъноси ҳам шунга тақалади: *bitim* – «ёзма шаклдаги келишув хужжати» деган маънони, *yarliğ* эса «ёзма фармон, буйруқ» маъносини англатади. Ёки кишилар ўртасида расмий муносабатлар, мол айирбошлаш, олди-бердичиликнинг маъмурий шакли юзага келмай туриб, *tanuq* (гувоҳ) сўзи яратилмаганлиги аён. Бу сўзлар кейинчалик адабий тилга ҳам айни шакл ва маъноси билан қабул қилинган. Бундай ҳодисани ифода шаклларида ҳам кузатиш мумкин. Шундай қилиб, адабий тил ўзининг кейинги тараққиёт йўлини расмий матн тузиш анъанасига суянган ҳолда белгилайди.

Чунончи, туркий тиллар тарихида бундай жараён илк ўрта асрларда – V–VI юзйилликларда бошланган эди. Кўхна кўк турк ёзма ёдгорликлар тилининг юксалишида солномалар битиш анъанаси ва расмий услубнинг таъсирини яққол кузатишимиз мумкин. Бу тил кейинчалик бутун туркий адабий тилларнинг юзага келиши, матн тузиш анъаналарининг юксалишига олиб келди.

Битиглар ўрганилган пайтдаёқ ушбу тарихий асарлар бадиий тилда яратилганлиги олимлар томонидан аниқланган эди. Бироқ, битиглар тилидаги бадиийлик адабий тилнинг юзага келишидаги ягона омил эмас. Кейинги кузатувлар туркий адабий тилнинг юзага келишида расмий матнлар услубининг таъсири ортиқроқ бўлганидан дарак бермоқда. Чунончи, Қ. Содиқов хужжатчилигимиз илдизиларига бағишланган бир мақоласида урхун битигларининг матн тузилишини таҳлил этар экан, матнларнинг бошламасига алоҳида эътиборимизни қаратади. Унинг фикрича, мазкур бошламалар расмий услубга хос бўлиб, хоқоннинг эл-улусга қаратилган мурожаатидан олинган. Бунинг сингари бошламалар, одатда, расмий матнлар аввалида келган. Хоқонлар ўз ёрликларини айни шаклдаги бошлама билан битганлар⁴.

Муҳими шундаки, битиглардаги матн тузиш анъанаси анча аввал шаклланган экан. Кўк турклар ўз битигларидаги бошлама битиш қолипини қадим аجدодлари бўлмиш энг қадимги туркий халқлардан ўрганганлари маълум бўлиб қолди. Қадимги хитой манбаларида қайд этилишига қараганда, бундай қолипни бошламалар эрамиздан бурунги II юзйилликларда қадимги туркий давлатларнинг хитойларга йўллаган расмий ёзишмаларида ҳам учрар экан⁵. Ушбу маълумотлар қадимги туркий адабий тилнинг, хусусан, кўк турк

4 Содиқов Қ. Туркий хужжатчилигимиз асослари // Жамият ва бошқарув. 1998, № 3. 31 б

5 Беренштам А. Уйгурский юридические документы // Письменное источниковедение. Выпуск № 3. М., Л., 1940. Стр. 70

битиглари тилининг юзага келиши ва равнақ топишида расмий матнлар ва солномалар услубининг ўрни катта бўлганидан далолат беради.

Эътиборга сазовор ери шундаки, қадимги туркий халқларнинг адабий тилни яратиш жараёнида қўллаган усул ва тажрибалари асосли бўлиб чиқди. Туркий адабий тил ўзининг такомил босқичида босиб ўтган жараёнларни бошқа адабий тилларнинг тарихида ҳам кўриш мумкин.

Дунёнинг бошқа тилларида адабий нормаларнинг қолипга тушиш тарихини кузатадиган бўлсак, расмий услубнинг ўрни ниҳоятда катта эканига шохид бўламиз⁶. Эътиборга молик жиҳати, қадимги туркий адабий тил тарихида кузатилган ҳодисалар, кейинроқ – XV–XVI асрларда, айнан шу кўринишда рус адабий тили тарихида ҳам такрорланади.

Рус тили тарихида расмий услуб адабий тилнинг юзага келишида бош омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Киев Русидан қолган расмий матнлар ёрлик, битим ва давлат қонунлари («Рус правдаси») шаклидадир. Киев Русининг ҳужжатчилик анъаналари кейинчалик Москва Русида ҳам давом этди. Давлат ва бошқарув сиёсатининг мустақамланиши билан бутун рус давлатидаги ёзишмалар ана шу тилда олиб борилди. Шунинг билан баробар рус адабий тили ҳам юзага кела бошлади. Рус ёзма адабий тилининг илк шаклланиш босқичи XV–XVI асрларга тўғри келади. Бу жараён, ўз-ўзидан, расмий матнлар ва солномалар битиш услубининг (историческое повествование) такомил билан боғлиқ. Худди шундай ҳодисани немис адабий тилининг тарихида ҳам кузатамиз⁷.

Кўринадики, адабий тилларнинг юзага келиши баъзида бир-бирига ўхшаш тарзда юз беради. Аждодларимиз томонидан йиғилган тажрибалар бошқа халқларга ҳам таъсир этганмикан, деган тўхтамга олиб келади. Эҳтимол, бу адабий тилларнинг юзага келишидаги умумий қонуният бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, қадимги туркий адабий тил тарихида тўғри йўл тутилган.

Умуман, ёзма адабий тил эндигина шаклланаётган даврларда расмий муносабат белгилари ва унинг услуби аллақачон шаклланиб, такомил босқичига ўтган эди. Ёзма адабий тил, расмий матн тузиш анъанаси билан боғлиқ ҳолда ўз йўлини янги бир шаклда давом эттирди. Ҳужжатлар тилида қўлланган асосий тушунча, атама, тайёр бирикмалар адабий тилга ўзлашган. Шу боис, адабий тилдаги ҳужжатлардан олинган турли ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ тушунча номлари, сон, рақам, йил, унвон номлари, ҳужжат отлари, турли ўлчов ва оғирликни билдирган атамаларни адабий тилнинг энг кўҳна қатлами сифатида қайд этиш керак. Яъни, адабий тилдаги энг эски қатлам ҳужжатлар тилидан тайёр шаклда адабий тилга кўчган. Расмий услуб адабий тилнинг шаклланишида муҳим вазифани ўтаган. Қайд этилганларнинг бари расмий тил ёзма тилнинг энг қадимги услубларидан бири дейишга имкон беради.

6 Кодухов В. Общее языкознание. М., 1974. Стр. 187

7 Кодухов В. Общее языкознание. М., 1974. Стр. 191

РЕЗЮМЕ

Мақолада туркий тиллар тарихида расмий услубнинг пайдо бўлиши ва генезиси масалаларига эътибор қаратилган. Расмий услуб - давлатчилик тарихи, ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ижтимоий ва муҳим лингвистик ҳодиса эканлиги, у чуқур, босқичма-босқич такомиллашиб келган жараён эканлиги асослаб берилган. Шунингдек, расмий услубнинг излари энг қадимги даврларда - уруғ, қабила, жамоа аъзоларининг ўзаро олди-берди, айирбошлаш, иқтисодий муносабатларида намоён бўлиши таҳлил этилган. Бундан ташқари, расмий тафаккур ёзувнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлган омиллардан эканлиги илгари сурилади. Расмий тил ёзма тилнинг энг қадимги услубларидан бири эканлиги ҳам кўрсатилади.

Калит сўзлар: *туркий тиллар, адабий тил, давлатчилик тарихи, ҳуқуқий муносабатлар, бадиий тафаккур, ёзувнинг вужудга келиши, скифлар, ҳужжатлар, қадимги туркий битиглар.*

В статье рассматривается возникновение и генезис официального стиля в истории тюркских языков. Исследуется что официально-деловой стиль - это социальное и важное языковое явление, связанное с историей государственности и правовых отношений, и что он представляет собой глубокий, поэтапный процесс развития. Анализируются также следы официально-делового стиля в древнейшие времена - во взаимообмене, обмене и экономических отношениях между членами рода, племени, общины. Кроме того, показывается, что деловое мышление является одним из факторов, приведших к возникновению письменности. Также показано, что официальный язык является одним из древнейших стилей письменной речи.

Ключевые слова: *тюркские языки, литературный язык, история государственности, правовые отношения, художественное мышление, возникновение письменности, скифы, документы, древнетюркская письменность.*

The article examines the emergence and genesis of the official style in the history of the Turkic languages. It is investigated that the official business style is a social and important linguistic phenomenon associated with the history of statehood and legal relations, and that it represents a deep, step-by-step process of development. Traces of the official business style in ancient times are also analyzed - in exchange, barter and economic relations between members of a clan, tribe, community. In addition, it is shown that business thinking is one of the factors that led to the emergence of writing. It is also shown that the official language is one of the oldest styles of written speech.

Key words: *Turkic languages, literary language, history of statehood, legal relations, artistic thinking, emergence of writing, Scythians, documents, ancient Turkic writing.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Беренштам А. Уйгурский юридические документы // Письменное источниковедение. Выпуск № 3. М., Л., 1940.
2. Драчук В. Ёзувлар - ўтмиш сирлари шоҳиди. Тошкент, 1980,
3. Кодухов В. Общее языкознание. М., 1974.
4. Лоукотка Ч. Развитие письма. М., 1950.
5. Содиқов Қ. Туркий хужжатчилигимиз асослари // Жамият ва бошқарув. 1998, № 3.

Ҳ. МАМАДАЛИЕВ

САЛЖУҚИЙЛАР СУЛОЛАСИ ХИЗМАТИДАГИ
МОВАРОУННАХР ШОИРЛАРИ

Биринчи Ренессанс даврида қадим Турон ҳудудида илм-фаннинг турли соҳалари ривожланган. Турли сулолалар вакиллари илм-фан ривожини йўлида ҳомийлик қилганлар. Бунда уларга аждодларимизнинг гўзалликни қадрлаши, нафосат шайдоси эканлиги ва илоҳий баркамолликка интилиши куч бағишлаган. Салжуқий сулоласининг Турон ва Эрон ҳудудларида тарих саҳнасида пайдо бўлиши ва кучли давлатни яратиши дунё илм-фанида ўчмас из қолдирган. Бу даврда илм-фаннинг турли соҳалари ривожланган. Шундай илм-фан соҳаларидан бири адабиёт эди. Адабиётнинг ривожланишида Туроннинг юраги бўлмиш араблар томонидан Мовароуннаҳр, яъни Амударёнинг ўнг қирғоғидаги вилоятлар вакиллари ўзига хос из қолдирганлар. Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда бу даврда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлик қилганлар. Қорахонийлар ва салжуқийлар сулолаларининг кўплаб вакиллари ўртасидаги қариндошлик ришталари мавжуд бўлган, бу эса ўзига хос тарздаги кўпқиррали ва мураккаб муносабатларни юзага келтирган. Икки сулола ўртасида маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқалар йўлга қўйилган. Шулар ичида маданий ҳамкорлик масалалари алоҳида ажралиб турган, бу соҳада ишларни ташкил этиш ва алоқаларни мустаҳкамлашда ўша даврда Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда яшаган уламолар, шоирлар, тарихчилар, санъат ва маданият вакиллари муҳим ўрин тутганлар. Уларнинг ичида шоирлар ва адиблар алоҳида ажралиб турганлар. Улар илм-фаннинг бошқа соҳалари вакиллари каби ҳукмдорлар саройида фаолият олиб борганлар, меҳнат ва иқтидорларига яраша эътироф этилганлар ва кадр топганлар. Шоирлар барча илм-фан вакиллари каби бошқа юртларга сафар қилганлар ва ўз билим-тажрибаларини шу тариқа оширганлар. Салжуқийлар саройида кўплаб мовароуннаҳрлик, яъни Амударёнинг ўнг қирғоғидан бўлган адиб ва шоирлар фаолият кўрсатганлар. Бундай шоирлар қаторига Абу Тохир Хотуний, Амъақ Бухорий, Адиб Собир, Низомий Арузий Самарқандий, Ҳамид Балхий, Сузаний, Рашидий Самарқандий, Али Бонизий, Писари Дарғуш, Али Сипаҳрий, Жавҳарий, Суғдий, Писари Теша, Али Шатранжий кабиларни киритиш мумкин⁸.

Уларнинг ичида Абу Тохир Хотуний (1106 йилда ўлган) ажралиб туради, у тарихий асарлар муаллифи бўли, шунингдек, ҳажв услубида форс ва араб тилларида шеърлар ёзган. Хотуний салжуқий султон Маликшоҳ саройида котиб лавозимида фаолият кўрсатган. Унинг “Таърихи Оли Салжук: зикри аҳволи салотийни ва умарои салжуқийон”

8 Девони Амъақ Бухорий / Нашрга Саъид Насифий тайёрлаган. Техрон, 1339. 4-бет.

(“Салжуқ хонадони тарихи: салжуқийлар султонлари ва амирлари аҳволи қайди”) “Маноқиб аш-шуаро” (“Шоирлар маноқибии”), “Шикорномаи Маликшоҳ” (“Маликшоҳ овномаси”) номли асарлар муаллифи бўлиб, форс тилида ижод қилган шоирлардан ҳисобланган.

Яна бир муаллиф бу Абу Нажиб Шаҳобиддин Амъақ Бухорий (1148 йилда вафот этган) бўлиб, қорахоний ва салжуқий ҳукмдорлар саройларидаги энг машҳур шоирлардан бўлган. Амъақ Бухорий назм услубида ҳаёлий оламини чуқур ва гўзал тасвирлай олган. Амъақ Бухорийнинг ижодига ануштегиний-хоразмшоҳлар сулоласи Рашидуддин Ватвот юқори баҳо берган ва уни Рўдакий, Дақикий ва ўзидан олдин яшаган машҳур 30 нафар буюк шоирлар сафига қўйган, ҳамда Амъақ Бухорий салжуқий султон Санжарни (1118 – 1153- йиллар) мадҳ этиб шеърлар ёзгани, “амиди камоли” деб аталганлиги ҳақида маълумот берган⁹. Амъақ Бухорий қорахоний ҳукмдорлар Шамсулмулк (1068 – 1080) ва Хизрхон (1080 – 1087) саройларида ҳам фаолият кўрсатган¹⁰. Хизрхон ибн Иброҳим даврида мамлакатда ҳукм сурган нисбатан сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ривожланиш шоирларнинг ижодига ҳам самарали таъсир қилган¹¹. Амъақ Бухорий “амир аш-шуаро” (“Шоирлар амири”) унвонига эга бўлган, ҳамда унга Хизрхон томонидан олтин эгар-жабдуқли зотдор отлар, кимматбаҳо кийимлар, кўплаб ғулом ва канизаклар, ҳамда мулклар совға қилинган. Ҳукмдорнинг мажлисларида унга иззат-иқром кўрсатилган. Бироқ, ҳукмдор саройида яна бошқа бир шоир Абдуррашид Рашидий ҳам катта ҳурматга эга бўлган. Уни хон ҳарамига жавобгар Сатти Зайнаб (Зайнаб хонум) кўллаб қувватлаган¹². Рашидийга “Сайид ал-шуаро” (“Шоирлар етакчиси”) деган унвон берилган. Бир кунни Хизрхон Амъақ Бухорийдан Рашидийнинг ижоди савияси тўғрисида унинг фикрини сўраган. Шунда, Бухорий унинг шеърлари яхши, бироқ улар озроқ тузсиз, деб жавоб берган. Шундан сўнг хон мажлисларнинг бирида Рашидийни олдига чақириб, “сенинг шеърларингни бироз тузи йўқ”, деб баҳолашмоқда деган. Рашидий таъзим қилиб, ўз жойига бориб ўтирган ва шеърини усулда жавоб берган. У ўз жавобида, унинг шеърларини тузсиз дейишлари тўғри эканлигини, чунки унинг шеърлари фақат асал ва шакардан иборатлиги, уни туз билан ейилмаслиги, туз билан шалғамдек бемаза нарсалар ейилишини айтиб, шеърини усулда жавоб берган. Унинг жавоби Хизрхонга маъқул тушган ва у Рашидийни мукофотлаган. Ўша замон ҳукмдорлар мажлисларида

9 Ватвот исми билан машҳур Рашидуддин Муҳаммад Умарий Балхий. Ҳадоиқ ас-сиҳр фий дақоик аш-шеър (“Шеърини дақиқаларнинг сеҳр боғлари”). Форс тилидан араб тилига Иброҳим Амин Шаворибий таржимаси. Қоҳира, 1946. 71 – 72-бетлар.

10 Ватвот исми билан машҳур Рашидуддин Муҳаммад Умарий Балхий. Ҳадоиқ ас-сиҳр фий дақоик аш-шеър (“Шеърини дақиқаларнинг сеҳр боғлари”). Форс тилидан араб тилига Иброҳим Амин Шаворибий таржимаси. Қоҳира, 1946. 141-бет.

11 Девони Амъақ Бухорий / Нашрга Саъид Насифий тайёрлаган. Техрон, 1339. 4-бет.

12 Низами Арузи Самарқанди. Собрание редкостей или четыре беседы / Пер. с персидского С.И. Баявского и З.Н. Ворожейкиной. Москва, Из-во Восточной литературы. 1963. С. 78.

шундай одат мавжуд бўлган: Олтин ва кумушлар идишчаларга солинган, ҳамда ноз-неъматлар билан дастурхонга қўйилган. Бу идишчалар жуфту-тоқ деб аталган. Хизрхон эса бу одатни тўрт идишнинг барчасига қизил олтин солиб, ўзгартирган. Ҳар бир идишда икки юз эллик динор қийматдаги олтин бўлган. Хизрхон Рашидийни синаган кунни жавобдан қониқиб, барча идишларни Рашидийга тақдим этган¹³. Юқоридаги мисолдан ҳукмдорларнинг адабиётга бефарқ эмасликлари, турли хил йўллар билан ўз шоирлари ижодини чархлаб туришлари, бу орқали энг иқтидорлиларни ўзлари бевосита аниқлаб, муносиб тақдирлаганликларини кўриш мумкин.

Султон Санжарнинг қизи Моҳмалак султоннинг жияни Маҳмуд ибн Маликшоҳнинг никоҳида бўлган. Султоннинг жияни Маҳмуд отасининг ўлимидан кейин султон Санжар билан тахт талашиб, у билан урушларни бошлаб юборган. Маҳмуд саккиз ой амакиси билан жанглар қилганидан кейин Ироққа келган ва бу ерда амакисидан мағлубиятга учраган. Султон Санжар жиянини кечирган ва қизи Моҳмалак хотунни (Ровандийда Моҳмалак тарзида келган) унга уйлантирган. Моҳмалак тўсатдан баҳор фаслида вафот этган¹⁴. Натижада, кўплаб шоирлар маликанинг ўлимига бағишлаб марсия битиш учун турли юртлардан чақиртирилган. Султон Санжар қизини жуда яхши кўрган ва қизининг ногаҳон ўлими унинг руҳиятига ёмон таъсир қилган. Шоирлар марсиялар айтганлар, аммо уларнинг бирортаси султон Санжар эътиборини жалб эта олмаган. Султон Амъак Бухорийни махсус марсия битиш учун Бухородан чақиртирган. Амъак бу даврда анча ёши улғайиб қариб қолган ва кўзлари ҳам яхши кўрмаган. Натижада, у узун қасида айтишдан воз кечиб, қуйидаги қисқа байтларни айтган ва султон Санжар эътиборини қозонган.

Қитъа:

Ҳангоми онки, гул дамад аз сахни бўстон
Рафт он гул шукуфта ва дар хок шуд ниҳон
Ҳангоми онки, шохи шажар нам кашид зи абр
Беоб монд Наргиси он тоза бўстон¹⁵.

Таржимаси: Боғ қўйнида бир гул очилди,
Бу гул энг гуллаган вақтда тупроққа ботди,
Дарахт шохлари булутлар сувига бўкиб ҳўл бўлганда
Боғдаги бу гул сувсиз сўлиди.

Амъак Бухорий шеърятда алоҳида услубга асос солган. Амъак Бухорий Султон Санжар даврида “Юсуф алайҳиссалом” (Юсуф ва Зулайҳо) қиссасини назм усулида битган. Амир Амъак юз йилга яқин умр

13 Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы / Пер. с персидского С.И. Баевского и З.Н. Ворожейкиной. Москва, Из-во Восточной литературы. 1963. С. 78 – 79.

14 Муҳаммад ибн Али ибн Сулаймон Ровандий. Роҳам ас-судур ва оят ас-сурур / Араб тилига Иброҳим Амин аш-Шаворибий, Абдуннаъим Муҳаммад Ҳасанайн ва Фуад Абдул Муътий ас-Саййодлар таржимаси. Қоҳира, 2005. 301-бет.

15 Девони Амъак Бухорий / Нашрга Саъид Насифий тайёрлаган. Техрон, 1339. 14-15-бетлар.

кўрган ва умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган. Натижада, у шеър ёзмасдан қўйган ва давлат ҳаётидаги иштирокини тўхтатган. Унинг Ҳамид ибн Амъак исми ўғли бўлган ва у отасининг ишини давом эттирган¹⁶.

Яна бир Адиб Собир Термизий номи билан машҳур Шихобуддин Собир ибн Исмоил эса форс тилидаги “Девон” асарининг муаллифи бўлиб, ўз замонасининг энг кўзга кўринган шоирларидан бўлган. Собирнинг отаси ҳам шоир ва адиблардан бўлган. Айрим манбалар уни Термизда туғилган десалар, бошқалари Бадахшонда туғилган, сўнг Термизга оиласи билан келган, деб маълумот берганлар. У султон Маликшоҳ замонида (1072 – 1092) Хуросонга келган. Ҳиротдаги Низомия мадрасасида таҳсил олган¹⁷. У салжуқий Султон Санжар томонидан Хоразмга Аълоуддин Отсиз (1128 – 1156) юборилган. У Отсизнинг яширинча икки исмоилийни Султон Санжар саройига уни ўлдириш учун юборганлиги тўғрисидаги маълумотни салжуқийларга етказган шахс сифатида гумон қилинган ва бу айби учун сувда чўктириб ўлдирилган¹⁸. Салжуқийлар саройи асосий шоири Ҳоқоний томонидан хоразмшоҳлар сарой шоири Рашидуддин Ватвот ва Адиб Собир ижоди таққосланган. Бунда Ҳоқоний Адиб Собирни устун қўйган, чунки у Ватвотни хоразмшоҳларга хизмат қилишда айблаб, салжуқийлар шоирини ундан устун қўйган. Қолаверса, Адиб Собир салжуқийлар саройининг асосий шоири сифатида “шараф ал-удабо” (“адибларнинг энг шарафлиси”) унвони билан ҳам улуғланган. Ҳоқонийнинг Адиб Собирни Рашидуддин Ватвотдан устун қўйиши Ватвотни жуда ранжитган. Адиб Собир ва Ватвот ўртасида муносабатлар аввал яхши бўлган, улар бир-бирларини мадҳ этиб шеърлар ёзганлар¹⁹. Бирок, юқоридаги ҳодиса туфайли икки шоир ўртасида совуқлик тушган, душманлик муносабатлари кучайган. Оқибатда, хоразмшоҳ Отсизни Адиб Собирнинг шоир эмас, жосус эканлигига ишонтирган ва унинг қатл этилишига сабабчи бўлган²⁰.

Яна бир Абул Ҳасан Низомиддин Аҳмад ибн Умар ибн Али Самарқандий (1156 йилга қадар яшаган) бўлиб, у Низомий Арузий номи билан машҳурдир. У Самарқандда туғилган, кейинчалик Бомиён, Ғур, Ҳирот каби шаҳарларга сафар қилган, у ерда маҳаллий ҳукмдорларга хизмат қилган. Низомий Арузий шоир Муиззий хизматига кирган, салжуқий султонлардан Санжарнинг эътиборига тушган. Шундан кейин у шуҳрат қозонган. У адабиётда аруз услубининг устаси бўлганлиги сабабли Арузий деб аталган. Арузий Самарқандий форс тилида ёзилган “Чаҳор мақола” (“Тўрт мақола”) асарининг муаллифидир. Мазкур асар тахминан 1156- йилда ёзилган ва “Мажмаъ ан-наводир” (“Нодир нарсалар

16 Девони Амъак Бухорий / Нашрга Саъид Насифий тайёрлаган. Техрон, 1339. 14-бет.

17 Девони Адиб Собир Тармидий (Термизий). Техрон, 1331. 3, 4, 6-бетлар.

18 З.М. Бунятов. Государство хорезмшахов-ануштегинидов (1097 – 1231). Москва, Наука, 1986. С. 18.

19 Девони Адиб Собир Тармидий (Термизий). Техрон, 1331. 4, 5, 318-бетлар.

20 З.М. Бунятов. Государство хорезмшахов-ануштегинидов (1097 – 1231). Москва, Наука, 1986. С. 118.

тўплами”) деб ҳам номланади. У форс тилидаги юксак даражадаги насрий асар ҳисобланади. У дабирлик (ёзув илми, котиблик), шеър, танжим (юлдузлар илми) ва тибга оид тўрт мақолани ўз ичига олади. Арузий Самарқандийнинг назм, яъни шерият тўғрисидаги куйидаги фикри диққатга сазовор: “шерият – бу кичик, аҳамиятсиз бўлган воқеа ёки нарсани буюкка айлантириш, буюкликни эса аҳамиятсиз нарсага, яна гўзалликни хунук кийимлар остига яшириш, хунукликни эса гўзал қиёфада тақдим этиш санъатидир”. Арузий фикри билан у ўз замонасида машҳур бўлган сарой маддоҳлик шеърлятидаги “антиреализм” назариясига баҳо берган²¹.

Яна бир шоирнинг исми қози Ҳамидуддин Амр ибн Маҳмуд Балхий (1163 йилда ўлган) бўлиб, у форс тилидаги “Мақомоти Ҳамидий” асарининг муаллифи ҳисобланади. Балхий илмли инсонлардан бўлган, ҳамда Балхнинг “қози ул-қузоти” (Қозилар қозиси) лавозимида ҳам бир муддат фаолият кўрсатган. Балхий форс тилидаги биринчи сажъ (адабиётда ўзининг равонлиги, оҳангдорлиги ва кучли ҳиссиётда ўқилиши билан ажралиб турадиган услуб, булбулнинг ва қумрининг сайраши қиёсланади) услубидаги асар ёзган муаллиф ҳисобланади, унинг асари 24 мақола, битта хотима қисмдан иборат. Мақомотлар деб,



ҳукмдорлар саройида уюштириладиган мажлис ва суҳбатларда зоҳидлар (тасаввуф намояндалари) томонидан айтиладиган панд-насихатлар ва тўғри йўлга бошловчи шеърларга айтилган. Бу шеърлар афсона ва ривоятларга тўла бўлган. Улар сажъ усулида ёзилган, қофиялар уйғунлиги ва жарангдорликка амал қилинган²². Балхий форс тилида ижод қилган муаллифлар ичида мақомот йўналишини энг юксак савияга олиб чиққан ва ўз йўлига асос солган.

Яна бир шоирлардан бири Сўзаний Самарқандий номи билан машҳур бўлган Шамсиддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Али (Масъуд) Салмоний Насафий Самарқандий (1100 – 1173-йиллар) ҳисобланади. У шоир ва ҳаким сифатида фаолият кўрсатган. У Насаф шаҳрида туғилган ва келиб чиқишига кўра паст табақа вакили, яъни оддий камбағал оиладан бўлган. Сўзаний бутун ҳаёти давомида Нахшаб, Самарқанд, Бухоро

21 Низами Арузи Самарқанди. Собрание редкостей или четыре беседы / Пер. с персидского С.И. Баевского и З.Н. Ворожейкиной. Москва, Из-во Восточной литературы. 1963. С. 15, 42.

22 Амр ибн Маҳмуд Балхий. Мақомоти Ҳамидий. Техрон, 1362. 3-бет.

ва уларга яқин ерларда яшаган, ҳамда тикувчилик билан тирикчилик қилган. Сўзаний отасининг исми кўплаб биографлар томонидан Али деб келтирилса-да, унинг “Девони”да отасининг исми Масъуд эканлиги ва у шоирлардан бўлганлигига ишора бор. Сўзаний Самарқандий Бухоро мадрасаларида ҳадис, тафсир ва бошқа ислом илмлар бўйича ўз даврининг энг олди мударрисларидан таълим олган. Аммо у шеърятга қизиққан. Араб тилини чуқур ўрганган. Ўз шеърларида туркий сўзларни ҳам кенг ишлатган, бу эса унинг туркий тилни ҳам яхши билганлигини англатади. Сўзаний Самарқандийнинг шеърят соҳасини пухта эгаллаши натижасида у Элаки (Элиги) Афросиёб, яъни Қорахонийлар сулоласи, ҳамда Бухоро садрлари сулоласи Оли Бурҳон вакилларига атаб мадҳ услубидаги эксак савиядаги шеърларни ёзган. Унинг бу шеърлари эвазига яхши мукофотлар берилган. Сўзаний Самарқандий шунингдек, тикувчи сифатида ҳам ўз замонасининг олди тикувчиларига айланган, ҳамда маълум даражада замона кийимлари бичими ва тикилиш услубига янгиликларни киритган²³. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шу каби шаҳарлар Биринчи Уйғониш даврида дунёнинг энг олди тўқимачилик ҳунармандчилиги маркази эканлиги маълум даражада бунга ўз таъсирини ўтказган.

Сўзаний Самарқандийнинг форс тилидаги шеърлари ўзининг гўзаллиги билан ажралиб туради. Сўзаний шеърлари девони тўлик нусхаси Калькутта кутубхонасида сақланади. Сўзаний девони 1344 эроний йилда Техронда доктор Носируддин Шоҳ Хусайний томонидан нашр этилган. Унинг шеърлари шунингдек, араб тилига ҳам таржима қилинган ва нашр этилган. Сўзанийнинг ўз юртини севганлигини, ҳамда Самарқанд шаҳри унинг даврида қандай ўринга эга бўлганлиги унинг куйидаги мисраларидан кўриш мумкин:

Самарқанд Йасриб шуд ва Макка Термиз

Зи Макка ба Йасриб хиромид саййид²⁴

Таржимаси: Самарқанд Йасриб (Мадина) ва Термиз Макка бўлди

Саййид (олийжаноб инсон, инсон, жаноб) Маккадан Йасриб томон юрди

Келиб чиқиши Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз ва бошқа ерлардан бўлган шоирлар салжуқийлар саройида муваффақиятли фаолият олиб борганлар ва олий ҳукмдорлар эътирофига сазовор бўлганлар. Улар адабий жанрлар, йўналишлар, услублар ривожланиши ва кенгайишига катта ҳисса қўшганлар. Шунингдек, ўз даврининг зиёлилари сифатида аҳолининг илмга бўлган интилишини кўлларида келганча қувватлаганлар. Улар ҳар доим ўзлари келган шаҳар ва вилоятларнинг вакили эканликларини унутмаганлар, ўз шеърларида она юртларини улуғлаганлар.

23 Дивану Ҳаким Сузаний Самарқандий. Араб тилига Муҳаммад Муҳаммад Юнус таржимаси. Ал-Қоҳира, 2010. 16-бет.

24 Девони Адиб Собир Тармидий (Термизий). Техрон, 1331. 3-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада салжуқийлар саройи ва мулкида фаолият кўрсатган Мовароуннахр шоирлари ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқ маълумотлар таҳлил қилинган. Шоирларнинг ҳаётига оид маълумотлар асосан бирламчи манбалардан олинган. Шунингдек, Амъак Бухорий, Адиб Собир, Ҳамидуддин Балхий, Сўзаний Самарқандий каби шоирлар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тафсилотлар, ижодидан кичик намуналар келтирилган.

Калим сўзлар: адабиёт, шоирлар, салжуқийлар сулоласи, сарой, ҳукмдорлар, султон, Мовароуннахр, мақомот.

В статье анализируются интересные сведения о жизни и деятельности поэтов Мавераннахра, ведших при дворе и во владениях сельджукидов. Сведения, представленные в статье исчерпаны из первоисточников. Также, приводятся подробности, связанные с жизнью и творчеством таких поэтов, как Амъак Бухари, Адиб Собир, Ҳамидуддин Балхи, Сузани Самарқанди, а также небольшие примеры из их творчества.

Ключевые слова: литература, поэты, династия Сельджукидов, дворец, правители, султан, Мавераннахр, мақомат.

The article analyzes interesting data on the lives and activities of Mawerannahr's poets which lived at the court and regions of the Seljukid dynasty. The data presented in the article is exhausted from the original sources. Also, details related to the lives and works of poets such as Am'ak Bukhari, Adib Sobir, Hamiduddin Balkhi, Suzani Samarqandi, and short examples from their works are presented.

Keywords: literature, poets, the Seljukid dynasty, palace, rulers, sultan, Mawerannakhr, maqamat.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Амр ибн Маҳмуд Балхий. Мақомоти Ҳамидий. Техрон, 1362.
2. Ватвот исми билан машҳур Рашидуддин Муҳаммад Умарий Балхий. Ҳадоиқ ас-сихр фий дақиқ аш-шеър (“Шеърӣй дақиқаларнинг сеҳр боғлари”). Форс тилидан араб тилига Иброҳим Амин Шаворибий таржимаси. Қоҳира, 1946.
3. Девони Адиб Собир Тармидий (Термизий). Техрон, 1331.
4. Девони Амъак Бухорий / Нашрга Саъид Насифий тайёрлаган. Техрон, 1339.
5. Дивану Ҳаким Сузаний Самарқандий. Араб тилига Муҳаммад Муҳаммад Юнус таржимаси. Ал-Қоҳира, 2010.
6. З.М. Бунятов. Государство хорезмшахов-ануштегинидов (1097 – 1231). Москва, Наука, 1986.
7. Муҳаммад ибн Али ибн Сулаймон Ровандий. Роҳам ас-судур ва оят ас-сурур / Араб тилига Иброҳим Амин аш-Шаворибий, Абдуннаъим Муҳаммад Ҳасанайн ва Фуад Абдул Муътий ас-Саййодлар таржимаси. Қоҳира, 2005.
8. Низами Арузи Самарқанди. Собрание редкостей или четыре беседы / Пер. с персидского С.И. Баевского и З.Н. Ворожейкиной. Москва, Из-во Восточной литературы. 1963.

Б. АБДУХАЛИМОВ, С. МУХАММАДАМИНОВ

ДИПЛОМАТИКА И ПРАВОВАЯ КУЛЬТУРА САМАРКАНДА XII ВЕКА СКВОЗЬ ПРИЗМУ ЭНЦИКЛОПЕДИИ АН-НАСАФИ

Имя самаркандского законоведа, историка и филолога, толкователя Корана (*муфассир*) Абу Хафса ‘Умара ан-Насафи прочно связано с интеллектуальной средой Мавераннахра XII века²⁵. В настоящее время известно два списка его уникального труда «Матла‘ ан-нуджум ва-маджма‘ ал-‘улум». Один из них сохранился полностью и хранится в фонде Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан под инвентарным номером 1462²⁶. Что касается другой копии, то этот список с лакунами находится в индийской библиотеке Рампур Риза²⁷ под инвентарным номером 5380²⁸.

Ташкентский список впервые был обнаружен и исследован известным востоковедом Павлом Георгиевичем Булгаковым (1927–1993)²⁹. В 2015 году было опубликовано факсимильное издание данной рукописи³⁰. Этот экземпляр представляет собой энциклопедию из 57 разделов, записанную с лекций автора, прочитанных в самаркандских мечетях и медресе (в том числе в медресе Табгач-хана, мечети Сиккат ал-Бадин) в 532/1138 году. Сведения переписчиков позволяют увидеть в энциклопедии «фиксацию лекционной традиции Самарканда», что особенно важно для реконструкции учебной практики и методики преподавания: в документе присутствуют как развёрнутые «полнописные» образцы, так и сокращённые заготовки с указанием мест для вариативной подстановки.

Лекционный характер текста, широта тематического охвата и выраженная прикладная направленность в разделах по юриспруденции и документации делают памятник уникальным источником по истории права и дипломатики региона.

Двадцать восьмой раздел «Краткое изложение о документах, согласно принятому порядку при купле-продаже» из «Матла‘ ан-нуджум...» –

25 Haji Khalifa. – Lexicon Bibliographicum et Encyclopaedicum a Mustafa Ben Abdallah Katib Jelebi Dicto et Nomine Haji Khalifa Celebrato Compositum: Ad Codicum ... Gustavus Fluegel, Vol. I. London, 1835. – S. 417; C. Brockelmann Geschichte der arabischen Litteratur. Bd. I. – Weimar-Berlin, 1996. – S. 548–549.

26 Абу Хафс ‘Умар б. Мухаммад б. Ахмад ан-Насафи. Матла‘ ан-нуджум ва-маджма‘ ал-‘улум. ИВ АН РУз. Рукопись 1462 (далее – Матла‘ ан-нуджум ...).

27 Imtiyaz Ali Arshiy. Najm [ad-din] an-Nasafi. См. URL: http://shibliacademy.org/sites/default/files/Maarif_1916_2016/Maarif-1946-06.pdf (дата обращения: 10.04.2021) (на урду); Ayandeh. Iran, 1362/1983. Vol. 9. № 3–4. – P. 266–268.

28 Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи // Meros. 2020. №2. – С. 19–29.

29 Булгаков П. Г. Неизвестный энциклопедический труд XII века // Общественные науки в Узбекистане. 1976. № 11. – С. 57–61.

30 Наджм ад-дин Абу Хафс ‘Умар б. Мухаммад б. Ахмад ан-Насафи. Матла‘ ан-нуджум ва маджма‘ ал-‘улум. (Факсимильное издание) / Подготовка к печати, вводная часть и указатели С. Мухаммадаминова. – Ташкент: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2015. – 896 с.

систематизированный свод обиходных частных актов с вариантами формул (всего – 30 основных типов)³¹. В конце раздела приводятся кодикологические сведения о времени его переписывания и дате составления автором. Как следует из записи, раздел был переписан 9 ша‘бана 765/20 мая 1364 года. Причём данная копия оказалась переписана с экземпляра, который был создан на основе диктовки автора в его мечети в четверг, в послеполуденное время (*‘аср*), 22 раби‘ ас-сани 532 года хиджры, т.е. 13 января 1138 года³². Таким образом, рукопись переписана с копии, которая, в свою очередь, была переписана с экземпляра, основой для которого послужила непосредственная авторская диктовка.

In recent decades, the discovery of a series of coins issued by the Western Turkic Khaganate (568–740 CE) has contributed significantly to resolving numerous complex issues related to the history of this polity. Numerous coins unearthed from ancient urban settlements in the Tashkent and Zarafshan oases, as well as in the Fergana Valley, indicate that the Khaganate maintained its own monetary system. Particularly noteworthy are the coins found at the ancient sites of Kanka, Khanabad, and Suyurli-tepe in the Tashkent oasis, which bear the names of rulers such as Tardu qaghan, Tun Jabghu-qaghan, Jabghu-qaghan, and Elbi Ishbara Sir Jabghu-qaghan, who governed the Western Turkic Khaganate between 576 and 630 CE. Moreover, the appearance of the title “Turk Qaghan” on several coin types further substantiates the existence of a distinct monetary system within the Qaghanate.

Keywords: Chach, Western Turkic Qaghanate, coin, Old Turkic, Sogdian, inscription, title, tamgha, city, Kanka, Khanabad, Suyurli-tepe.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI–VIII вв. – Ташкент, 2007.
2. Бабаяров Г., Кубатин А. Методы идентификации и определения последовательности выпусков монет Западно-Тюркского каганата // Казахстан и Евразия сквозь века: история, археология, культурное наследие. Сборник науч. трудов посвящ. 70-лет. со дня рождения акад. НАН РК К.М. Байпакова. – Алматы, 2010. – С. 333-342.
3. Бабаяров Г., Кубатин А. Очерки по истории и нумизматике Западно-Тюркского каганата. Часть I. LAP – Lambert Academic Publishing, 2014.
4. Байтанаев Б.А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения - 15». – Алматы, 2004. – 67-70.
5. Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ, 8, 1982. – С. 31-38.
6. Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Том 1. – Ташкент, 2002.
7. Ртвеладзе Э. История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). – Ташкент, 2006.

8. Ртвеладзе Э.В., Ртвеладзе Л.Л. Городище Ханабад // в кн. Древности Ташкента. Т., 1976. – С. 4-49.
 9. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент (Материалы 1949-1956 гг.). – М., 1963.
 10. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981.
 11. Baratova L. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6.-10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan. Band 31, Berlin, 1999. – P. 219-292.
- al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi, *Viae regnorum*, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1. Lugduni-Batavorum: E.J. Brill, 1967.

Ў. СУЛТОНОВ, З. КАРТОВА

ҚОЗОҚ ХОНИ ТАВАККАЛХОН ЁРЛИҚЛАРИ (х.й. 1582-1598)⁶⁴
ROYAL DEEDS OF QAZAQ RULER TAWAKKAL KHAN (r. 1582-1598)
ЯРЛЫКИ КАЗАХСКОГО ХАНА ТАВАККАЛ-ХАНА (1582-1598)

Муаммо. Қозоқ хонлиги 1465-1470 йилларда, Мўғулистоннинг шимолий сарҳади бўлган Чу дарёси ҳавзасида шаклланган⁶⁵. Унинг асосчилари Жонибек ва Керей чингизийлар наслидан бўлиб, Олтин Ўрда хони Бароқхон (х.й. 1423–1426, 1427–1428) авлоди эди. Қозоқ хонлиги айниқса бутун мамлакатни бирлаштиришга эришган Бурундукхон (х.й. 1474 ёки 1480–1511), Қосимхон (х.й. 1511–1521), Ҳақназархон (х.й. 1538–1580), Таваккалхон (х.й. 1582–1598) ва Ишимхон (х.й. 1598–1628) даврида сиёсий-ҳарбий жиҳатдан кучайиб, катта таъсирга эга бўлди. Қўшни Бухоро, Сибир, Нўғай, Мўғулистон хонликлари билан баъзан иттифок бўлиб, баъзан уларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Халқаро миқёсда Рус подшоҳлиги (кейинчалик Россия империяси), Сафавийлар, Усмонийлар, Бобурийлар ва Хитой салтанати билан қизгин дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган⁶⁶. Ислоннинг Ҳанафий мазҳабига эргашган қозоқ хонлари Нақшбандий ва Яссавий шайхларга қўл берган, жунғорларга қарши курашларда “ғозий”лик мартабасига эришган, мадраса ва масжидлар қурдирган, қўлёмалар кўчирилишига ва бошқа маърифий соҳаларга ҳомийлик қилган. Бир сўз билан айтганда минтақадаги бошқа мусулмон ҳукмдорларига хос аксар жиҳатлар ўзида жамлаган.

Афсуски хонликнинг сиёсий тарихи кенг кўламда тадқиқ этилаётган бугунги кунда унинг сарой девонхонаси фаолияти ҳамда мамлакатдаги ер-сув муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари махсус ўрганилмаган. Аксига олиб салкам икки юз эллик йилга яқин ҳукм сурган яхлит Қозоқ хонлиги сарой девонхонасидан берилган қонунчилик ҳужжатларининг кам сақлангани ҳам муаммони янада қийинлаштирмоқда. Масалан, қозоқ султонларидан бирига тегишли бўлиши мумкин бўлган ёрлиқ ҳақидаги илк мулоҳазалар В.В. Бартольд (1869–1939) томонидан билдирилган. Олим ўзининг 1902 йилги Туркистон сафари да-

64 Ушбу тадқиқот М.Кўзибоев номидаги Шимолий Қозоғистон университетининг Қозоғистон Республикаси Фан ва олий таълим қўмитаси молиялаштирган “Текстологическое изучение и источниковедческий анализ нарративных документов правителей Казахского ханства периода XV–XVIII веков” (№ АР19676930) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

65 Абусейтова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI века. – Алма-Ата: Наука, 1985. – С.40.

66 *Қаранг:* Казахско-русские отношения в XVI–XVIII веках (сборник документов и материалов). – Алма-Ата, 1961. – 743 с.; Казахско-русские отношения в XVIII–XIX веках (1771–1867 годы). (Сборник документов и материалов). – Алма-Ата: Наука, 1964. – 575 с.; Исин А. Казахское ханство и Ногайская Орда во второй половине XV– XVI в. – Семипалатинск, 2002. – 139 с.; Хафизова К.Ш. Степные власти и их дипломатия в XVIII–XIX веках. – Нур-Султан, 2019. – 476 с.; Атыгаев Н. Казахское ханство: очерки внешнеполитической истории XV–XVII веков. – Алматы, 2023. – 225 с.

вомида Тошкентда, Сирдарё вилояти бошқармасида сақланаётган Сигноққа тегишли ҳужжатлар тўплами билан танишган. Ҳужжатларнинг араб алифбосидаги матни ва бу ҳақдаги ўз қарашларини 1904 йилда чоп қилган. В.В. Бартольд ҳужжатлар орасида 950/1543 ёки 955/1548 йилда Абдурахимхон номидан берилган туркий ёрликни қозоқ султонларидан бирига тегишли, деб тахмин қилган⁶⁷. Бу ёрлик кейинчалик қозоғистонлик машҳур шарқшунос В.П. Юдин (1928–1983) тарафидан рус тилига таржима қилинган. Шунингдек у тўпламдаги 1044/1634 йилда Убайдуллахон номли шахс тарафидан берилган ёрликни ҳам қозоқ султонларидан бирига тегишли, деган хулосага келган⁶⁸.

“Қозоғистон тарихи” кўпжилдлик нашрининг 1979 йилда чоп этилган 2-жилдида ҳам қозоқ хонларига алоқадор туркий тилдаги иккита ёрлик фотоси эълон қилинган. Қизиғи бу икки ёрлик ҳам Сигноқ билан боғлиқ. Биринчиси марказий ҳокимиятни эгаллаб турган “хон” (исми келтирилмаган) номидан Эсон Келдихон чиқарган 995/1587 йилги ёрлик⁶⁹. Сигноқнинг куйи мансабдор-хизматчиларига йўлланган бу ҳужжат жами 9 сатрдан иборат. Унинг матни яхши сақланмаган, баъзи ўринларида сиёҳ чаплаган. Ҳужжат ўртасига босилган думалоқ муҳр ҳам жуда хира. Лекин унинг интитуляция (ҳужжат берувчининг исми ёзилган сатр) қисмини аниқ ўқиш мумкин. Бу маълумотга асослансак ҳужжатни берувчи “Шужоъаддин Исанкелди” маҳаллий ҳокимлардан бири бўлган. Шунга қарамай унинг ёрликни Қозоқ хонлиги ёки Бухоро хонлиги олий ҳукмдори номидан берганини аниқ айтиш қийин. Иккинчиси 10 сатрдан иборат нишон, унинг интитуляцияси йўқ. Фақатгина бодомсимон муҳрдаги “Таваккал Муҳаммад баҳодирхон” деган ёзув асосида унинг Тавкехон (х.й. 1680–1715) номи билан танилган Таваккалхонга тегишли экани айтилади⁷⁰. Ҳужжатда сана кўзга ташланмаса-да, нашрда унинг 1086/1675-76 йилга оидлиги кўрсатилган. Демак ҳужжат Тавкехон олий ҳокимиятни эгаллаган давргача бўлган йилларда берилган бўлиши мумкин.

1974–1975 йилларда Туркистон шаҳри ва унинг яқинидаги Отабой қишлоғидан Аҳмад Яссавий мазорининг мингдан ортиқ эски ҳужжатлари тўплами топилган. Бу ҳақдаги илмий хабарномада тўпламда XVI–XIX асрларга оид ҳужжатлар орасида ёрликлар ҳам борлиги қайд этилган. Лекин уларнинг қанчаси Қозоқ хонларига тегишли экани ва бошқа жиҳатлари ҳақида маълумот берилмаган⁷¹. Аммо шарқшунос А.Л. Кун (1840–1888) шахсий фондидан

67 Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан / Собр. соч. Т. 8. – Москва, 1973. – С.200.

68 Юдин В.П. Грамоты из Сыгнака (вступ. статья) / Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений). – Алма-Ата: Наука, 1969. – С.317-319.

69 История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней. В пяти томах. Т. 2. – Алма-Ата, 1979. – С.327.

70 История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней. Т. 2. – С.285.

71 Кумеков Б.Е., Настич В.Н., Шуховцов В.К. Письменные документы из Южного Казахстана (Предварительное сообщение) // Вестник АН КазССР. – Алматы, 1977. № 8. – С.70-73.

Аҳмад Яссавий мозори ҳужжатларининг кўчирма нусхаларининг илмий муомалага киритилиши жараёнида бир неча қозоқ хонлари ва султонларига тегишли ҳужжатлар ҳам ўртага чиқди. Бу ҳужжатлар тадқиқи натижасида Таваккалхон (х.й. 1582–1598) ва Турсун Муҳаммадхон (х.й. 1613–1627) девонидан берилган ёрлиқлар кўчирма нусхалари, бу давр Қозоқ хонлиги девонининг кўшни хонликлари девонхонаси билан ўхшаш жиҳатлари ҳақида фикрлар билдирилган⁷². Кейинроқ бу ёрлиқлар бошқа нашрларда ҳам эълон қилинди⁷³.

Умуман олганда, сўнги йилларда Қозоғистонда Қозоқ хонлигига алоқадор ёзишмалар ва ҳар қандай тарихий ҳужжатларни излаб топиш ва нашр қилиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда⁷⁴. Аммо бу каби изланишларда хонликнинг расмий қонунчилик ҳужжати - ёрлиқларнинг учрамаслиги Қозоқ хонлиги сарой девони анъаналари ва уларнинг ҳужжатларини кенг кўламда ўрганишга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабаб ушбу мақолада Қозоқ хонлиги девонхона фаолияти ва унинг ҳужжатларини 1583–1598 йилларда ҳукмронлик қилган Таваккалхон ёрлиқлари мисолида ёритишга ҳаракат қилдик.

Таваккалхон шахсияти ва унга тегишли ёрлиқлар

Таваккалхон қозоқ хони Шиғайхоннинг (х.й.1580–1582) Яхшибека исмли хотинидан туғилган (Таваккал ибн Шиғай ибн Жадик ибн Жонибек ибн Бароқхон). У рус-қозоқ адабиётларида “Тевеккел”, “Таукел”, “Таваккул”, “Тауке” ёки “Тукай” исмлари билан ҳам тилга олинган⁷⁵. Биз ўзбек тилида оммалашган “Таваккал” шаклини қўлладик. Таваккалхон 1581 йилда отаси Шиғайхон билан бирга шайбоний Абдуллахон (х.й. 1583-1598) хизматига кириб, бир муддат Тошкентнинг Оққўрғон яйлоқида кўчиб юрган⁷⁶. Кейинроқ Абдуллахоннинг Тошкент ва Фарғона водийсидаги рақибларига (Бобо султон ва Бароқхон б. Суюнчўжахоннинг бошқа авлодлари) қарши курашларда фаол қатнашди. 1582 йилда Абдуллахоннинг асосий рақиб Бобо султонни тутиб қатл этган Таваккалхон Бухоро саройига яқин шахслардан бирига айланди⁷⁷. 1583 йилда у Абдуллахоннинг Фарғона

72 Султонов У.А. К вопросу жалованные грамоты казахских ханов переданный мазара Ахмад Йасави (конец XVI–XVII вв.) / Материалы международной научной конференции, посвященной празднованию 20-летия Евразийского национального университета им. Л.Н. Гумилева. – Астана, 2016. – С.90-97.

73 Исторические документы мавзолея Ходжа Ахмада Йасави / А.К. Муминов, Б.Е. Кумеков, У.А. Султонов, В.К. Шуховцов, Д.Т. Кенжетаяев, А.С. Кабылова, У.А. Утепбергенова, А.А. Айбасов/. – Астана, 2017. – С.41-49; Каталог писем и документов казахских правителей XV–XVIII веков (текстологический анализ). Редакционная коллегия: Кумеков Б.Е., Картова З.К., Абуов Н.А., Жунисбаев У.Д., Ошан Ж. – Петропавловск, 2024. – С.54-66.

74 Ерофеева И.В. Письма казахских правителей. 1675-1780 гг. Эпистолярное наследие казахской правящей элиты 1675-1821 годов. Том 1. – Алматы, 2014. – 692 с.; Казахская степь в архивных документах (третья четверть XVIII в.). Сборник документов. – Алматы, 2023. – 432 с.

75 Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана, 2006. – С.191, 201.

76 Muhammad Yar Ibn Arab Mukhammad Qatghan. Musakhir al-bilad (The History of Shaybanid). Edited by Nadira Jalali. – Tehran: Miras-i Maktub, 2006. – P.172, 302.

77 Muhammad Yar Ibn Arab Mukhammad Qatghan. Musakhir al-bilad (The History of Shaybanid). – P.164.

водийсига бўлган ҳарбий юришларида ҳам иштирок этди. Аммо мазкур юришдан сўнг уларнинг ўртасига совуқчилик тушиб, Таваккалхон Мовароуннахрни тарк этган. Т.И. Султановнинг фикрича, бу пайтда у Дашти Қипчоқда Абдуллахон ва Бухоро хонлигига қарши курашда ҳарбий куч ва қозоқ султонлари орасидан ўзига иттифоқчи тўплаган⁷⁸.

XVI асрнинг 90-йилларида Таваккалхоннинг сиёсий ва ҳарбий қудрати анча ортган. Хусусан 1594 йилда Мўғулистон хонлиги тахт даъвогарларидан Худобанда султонни қўллаб-қувватлаб, унинг Чолиш ва Турфонни эгаллашида ҳарбий кўмак берди⁷⁹. Айни пайтда Рус подшоҳи Борис Годунов (1587–1598 йй.да давлат бошқарувчиси, 1598–1605 йй.да подишоҳ) ҳукумати билан ҳарбий иттифоқ масаласида фаол дипломатик алоқалар ўрнатди⁸⁰. Хусусан, 1594 йил январида Таваккалхоннинг элчиси Қул Муҳаммад Москвага етиб борди. 1595 йил 14 мартда эса Рус подшоҳлиги тарафидан В. Степанов Таваккалхон ҳузурига музокара олиб бориш учун вакил қилиб юборилди⁸¹. 1598 йилда Абдуллахон вафотидан сўнг Таваккалхон биродари Ишим султон ва бошқа қозоқ султонлари билан бирга тез фурсатда Туркистон, Тошкент, Фарғона, Самарқандни эгаллади. Бухорога юриш бошлаган вақт, 1598 йил охирларида Миёнколдаги жангда яраланиб Тошкентга қайтган ва кўп ўтмай вафот этган. Умуман олганда, Таваккалхон сиёсий фаолияти ҳақида кўп фикр билдирилган⁸². Лекин унинг мамлакат бошқарувини ташкил этиши, девон ва девонхона тизими ҳақида маълумот йўқ ҳисоби. Масалан, 1594 йилда унинг ҳузурига келган рус элчиси Таваккалхоннинг қароргоҳи олти чодирдан иборат эканлиги ҳақида ёзган. Таваккалхон ва Рус подшоҳлиги ўртасидаги ёзишмалар эса татар (маҳаллий туркий) тилда олиб борилган⁸³. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қозоқ хонлари ёзишмалари араб алифбосидаги чигатой, шунингдек манчжур, форсий, уйғур ёзувларида олиб борилган. Хонлар девонхонасида эса татар, бошқирд, бухоролик котиблар хизмат қилгани⁸⁴.

Ҳозирча қўлимизда Таваккалхон девонхонасидан берилган учта ҳужжатнинг 1872 йилда кўчирилган нусхалари мавжуд. Бу ҳужжатларнинг матни ва ўзига хос жиҳатларига қуйида алоҳида тўхталамиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий архивида олиб борилган изланишларимиз жараёнида ушбу хон номидан Тошкент вилоятида берилган яна иккита ҳужжат мавжудлиги

78 Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – С.203-204.

79 Шах-Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроник. Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели О.Ф. Акимовской. 2-е издание. – Санкт-Петербург, 2010. – С.160.

80 Казахско-русские отношения в XVI–XVIII веках (сборник документов и материалов). – С.3-5, 11-12, 14.

81 Казахско-русские отношения в XVI–XVIII веках (сборник документов и материалов). – С.3-4. №1; 5. №3; 11-12, №8.

82 *Батафсил қаранг*: Абусейтова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI века. – С.80-93.

83 Казахско-русские отношения в XVI-XVIII веках (сборник документов и материалов). – С.11-12, №8.

84 Картова З.Н., Абуов Н.А., Ильясова Г.С. Делопроизводство степных правителей XV–XVIII веков: канцелярские практики и эпистолярное наследие // *Bylye Gody*, 2024. Vol 19, Issue 4. – P.1506.

аниқланди. Улардан бири Бобо Мочин⁸⁵ мозорига берилган нишон ҳужжати бўлиб, у 1007/1598 йилга оид. Унда Бобо Мочин мазорининг Чанги, Қушак Гандум мавзеидаги ерларидан солиқ олинмаслиги белгиланган. Иккинчиси Фаркатдаги (бугунги Паркент – С.Ў.) бир ернинг вақфлиги тасдиқлангани ҳақида⁸⁶. Бу ҳужжатларнинг асли XIX асрнинг 80-йилларида мавжуд бўлган ва уларнинг мазмуни Туркистон генерал-губернаторлиги хизматчилари тарафидан рус тилида ёзиб олинган. Асл нусхалари тақдири эса номаълум. Шундай қилиб, ҳозир бизга Таваккалхоннинг 5 та ёрлиғи маълум бўлмоқда. Уларнинг учтасининг матни сақланган бўлса, иккитасининг мазмуни ёзиб олинган.

Таваккалхоннинг Аҳмад Яссавий мозорига берган ёрлиқлари

Хожа Аҳмад Яссавий мозорига тегишли ҳужжатларнинг Олмаота коллекциясида мингга яқин ҳужжатлар борлиги айтилса-да, кўпчиликни қизиқтирган қозоқ хонларига тегишли ёрлиқлар ҳақида ҳозиргача бирор маълумот берилмади. Хусусан, коллекция ҳақидаги 1977 йилги илк хабарномада ҳам, В.К. Шуховцовнинг 1981 йилги махсус мақола-сида ҳам, ва ҳатто 2017 йилги жамоавий монографияда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий мазорининг XIX асргача бўлган ёрлиқлари ҳақида сўз очилмаган⁸⁷. Мозор ҳужжатларининг асидан 1872 йилда, Туркистон шаҳри маҳаллий амалдорлари тарафидан кўчирилган нусхалар эса ҳозирда Санкт-Петербургда, Шарқ қўлёмалари институти таркибидаги А.Л.Кун шахсий архивида сақланади. Тахминимизча бу коллекцияда ўнга яқин ҳужжат қозоқ хонлари ва султонларига оид. Баъзи ҳужжатларнинг эгасини аниқлаштириш ишлари якунига етмагани сабаб бу масалани кейинги ишларда батафсил муҳокама қиламиз. Ушбу коллекциядаги учта ҳужжат (матнда улар “ёрлиқ” ва “нишон” деб номланган) бевосита Таваккалхонга тегишли бўлиб, барчаси туркий тилда битилган.

Биринчи ҳужжат

(1) *Хув ал-Ғаний*⁸⁸.

(2) *Абулғозий Муҳаммад Таваккал Баҳодирхон сўзумиз.*

(3) *Азиз комкор инилар билан ва қариндошларга (4) ва маснаднешин беклар тақи осафқарин вазирларга ва хайр-(5) андиш тублар билан жалолатпеша оқаларга ва маликмисол боргоҳнавоблари билан хумоюнҳисол (6) даргоҳнинг ҳужжобларига. Басе Туркистон вилояти сайийид-содот, машойих ва қуззот, маволи ва аҳоли ва аъён ва ашироф, (7) юзбеги, ўнбеги, мусофир ва мужовир, улуг-кичик, турк ва тожик, арбоб ва калонтарлари била хўжа-*

⁸⁵Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган зиёратгоҳ ва мазор. Тасаввуфга оид ёзма манбаларда Хожа Аҳмад Яссавийнинг издошларидан бўлгани айтилади. Бобо Мочин мозори Ўзбекистонда маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатига олинган.

⁸⁶ Ўзбекистон миллий архиви. И-17-фонд, 1-рўйхат, 32538-иш. 25-варақ

⁸⁷ Кумеков Б.Е., Настич В.Н., Шуховцов В.К. Письменные документы из Южного Казахстана. – С.70-73; Шуховцов В.К. Письменные документы из города Туркестана // Казахстан в эпоху феодализма (Проблемы этнополитической истории). – Алма Ата, 1981. – С.164-191; Исторические документы мавзолея Ходжа Ахмада Яссави. – С.66-133.

⁸⁸ РФА Шарқ қўлёмалари институти (Санкт-Петербург). Шарқшунослар архиви. А.Л. Кун коллекцияси. 33-фонд, 1-рўйхат, 175-иш. – 92-варақ.

(8) шарик, рағият ва мутаваддинларига ақидат ва ихлосимиз Ҳазрати ҳидоятпаноҳ, қутб ул-авлиё, бурҳон ул-атқийё, (9) валоятмартабат, кароматманзалат, ҳақойиқдастгоҳ, ифтихор ас-содот ал-Алавий Низом ал-милла ва-д-дин (10) ва-д-дунё [Султон Хожя Аҳмад Яссавий қуддуса сирриҳу]га аълодаража ва мартаба воқеъ бўлгон учун ҳамвораи таважжух хотири кимётаъсиримиз файзосор мазорининг (11) ривож ва равнақиға мутаважжух ва масруф турур. Ул жиҳатдин иноят қилиб ёрлиқ қилдуқким, ул мутабаррика мазор-(12)нинг шайхлиқи биля мутавалли ва сажжоданешин ва улканини (?) жаноб фазойилмаобининг шайхқа мусаллам билиб, (13) ҳар нимарса файзосор мазорида ҳосил бўлса назр ва муомала ва ер-сув барчани баробар ҳисса қилиб машор алайхқа (14) берсунларким ўз мадад маошиға сарф қилиб дуо қилғой. Ва ҳар ши-куч бўлса мувофиқат қилиб (15) ҳамроҳ қилсунлар, андин бевуқуф қилмасунлар. Ва имом ва чироқчи ва жорубкаи ва муаззин[нинг] насб (16) ва азл[и] машори алайхнинг ихтиёрида, билсунлар. Самт этиб саркашлиқ қилмасунлар. Бу бобда (17) ўсал этмасунлар. Хилофи ҳукм воқеъ бўлмасун, деб қурбон ойинда, Тошкандда муҳрлиқ нишон битилди. Сана 1006 (1597 й., июль-август).

Муҳр битиги: Муҳаммад Таваккалхон

Иккинчи ёрлиқ

(1) Ҳува ал-Ҳайй⁸⁹.

(2) Абулмузаффар Ғозий Таваккал Муҳаммад Баҳодирхон сўзумиз.

(3) Ҳукми олий содир бўлдики, бу ужурда Туркистон вилоятининг (4) акобир ва ашироф, аҳоли ва маволи ва жамиъ раиятларига (5) андоғ возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, аз онче инайати шоҳий ва алтофи хисравонамизни натижат ул-машойиҳ (6) ул-иъзом Шайх Аҳмад шайх ул-исломнинг шаънинда арзони тутуб, Ясси мавзеидин (7) бир тун-кун сув марҳамат қилдуқ. Керакким бу нишони олий кўргач жамиъ мутавадинаи (8) вилояти мазкур тун-кун сувни мазкур бўлгон Хожанинг [деб] мусаллам билиб, ҳеч важж- (9)дин муноқаша ва мужодала қилмасунлар. Ҳар ким хилофи ҳукми киродини қилиб кўрқуб (10) ийманур, деб жумод ал-аввал ойинда тарих минг ўн тўртда (1605 (!) й., сентябрь-октябрь), Ясси (11) мавзеинда муҳрлуқ нишони олийшаън битилди.

Муҳр битиги: Таваккал Муҳаммад баҳодирхон ғозий

Учинчи ёрлиқ

(1) Ҳув ал-Азиз⁹⁰.

(2) Абулфатҳ Таваккал Муҳаммад Баҳодир султон сўзумиз.

(3) Фалакрифъат комкор инилар билан рафиқманзалат номдорнинг ва осафмартабат (4) омонатишор вазирларға, батахсис Туркистон вилоятининг юз-(5)беги ва арбоблари, хўжа шарик, раият ва жамиъ кадхудойлари билан батамом тавобеоти юзбеги ва раият-(6) ларига андоғ

89 А.Л. Кун коллекцияси. 33-фонд, 1-рўйхат, 175-иш. – 48-варақ.

90 А.Л. Кун коллекцияси. 33-фонд, 1-рўйхат, 175-иш. – 85-варақ.

возиҳ ва лойиҳ бўлсунким зубдат ул-амосил ва-л-икрон Қозишайхнинг борасинда подшоҳона иноят (7) ва илтифоти хисравонамизни арзони тутуб, қобил ва муносиб кўруб мазкур бўлгон вилоятнинг шайх ул-ислом (8) ва қозилигини шафқат қилдуқ. Ёрлиғ кўргач машор алайҳни вилоят кад-худойлари ўзларига шайх ул-ислом (9) ва қози билиб, таъзим ва икромни бажой келтуруб, жор ал-бу-ал-жорига (чақиригига) ҳозир бўлуб, аларнинг сўзларидин (10) тажовуз қилмасунлар, деб муҳрлуқ нишон битилди.

Муҳр битиги: *Таваккал Муҳаммад Баҳодир султон*

Тошкентда битилган биринчи ҳужжат Таваккалхоннинг бу минтақада анча фаоллашган даврига оид. Унинг берилган 1006 йил қурбон (зулҳижжа) ойи (1597 й., июль-август) санаси ва битилган жойи тарихий воқеликка тўғри келади. Ҳужжат Хожа Аҳмад Яссавий мазорига шайх ва мутавалли тайинлаш ҳақида. Аммо матнда бу вазифага тайинланган шахснинг исми келтирилмаган. Одатда бундай ҳолатда ҳужжатчилик анъанасига кўра матнда вазифага тайинланган шахснинг хислатлари келтирилиб, исми ҳужжат хошиясига чиқарилган. Афтидан хошиядаги исм кўчирма олиш вақтида ўқий олинмагани сабаб тушириб қолган. Ҳужжатда вазифага тайинланган шахсга катта вақлотлар берилгани эътиборни тортади. Хусусан унга мазорнинг барча тушумларини жамлаш ва тасарруф этиш, имом, муаззин, чироқчи ва жорубкаш вазифадорларини мустақил равишда тайинлаш ва ишдан олиш вақолатлари берилган.

Иккинчи ва учинчи ҳужжатларнинг Таваккалхонга тегишлилик масаласи бироз баҳсли. Хусусан, иккинчи ҳужжатда кўрсатилган 1014 йил жумод ул-аввал (1605 й., сентябрь-октябрь) санаси Таваккалхон вафотидан кейинги вақтга тўғри келади. Бундан ушбу ҳужжат кўпроқ Тавкяхон исми билан танилган Таваккалхонга (1628 ёки 1635–1718) алоқадор эмасмикин, деган савол пайдо бўлади. Тадқиқотларда иккинчи Таваккалхоннинг сиёсий-ҳарбий карьераси анча ёшлигидан бошлангани айтилади. Хонлик даври эса 1672-1715 ёки 1680–1715 йиллар билан белгиланган⁹¹. Демак ҳужжат иккинчи Таваккалхон таваллудидан ҳам анча аввал юзага келган. Ҳужжат санаси билан боғлиқ бу муаммо уни кўчириш жараёнида, 1872 йилда юз берган бўлиши ҳам мумкин. Чунки кўчирма олувчилар матн аслиятини сақлашга қанчалик ҳаракат қилмасин, юз йиллар ўтиб ҳужжатлар уринган, сана ва исмларни тўлиқ ўқиш анча қийин кечганини тушуниш мумкин. Шу сабаб бу ҳужжат санаси аслида “1014” йил эмас балки “1004” йил жумод ул-аввал (1596 й., январь) бўлганини тахмин қилиш мумкин. Бу сана айни ўша вақтда кечган тарихий жараёнларга ва Таваккалхон фаолиятига мос келади. Бу ҳужжатда Шайх Аҳмад шайх ул-исломга Ясси мавзеида бир тун-кунлик сувдан фойдаланиш имтиёзи берилган.

Учинчи ҳужжатда сана кўрсатилмаган. Ҳужжат интитуляциясидаги “Абулфатҳ Таваккал Муҳаммад Баҳодир султон” битиги уни Таваккалхонга тегишли эканига асос бўлиб турибди. Бундан ташқари, ҳужжатнинг матн ху-

⁹¹ Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме. – С.229-230; Ерофеева И.В. Письма казахских правителей. 1675-1780 гг. – С.21.

сусияти ва атамалар, хусусан мурожаат формаси (... *инилар*, ... *вазирлар*, ... *юзбеги ва арбоблар*, *хўжа шарик*, *раият ва жамиъ кадхудолар*) ҳамда арабий-форсий сўз ва изофанинг кучлилиги унинг XVI асрга оидлигига ишора қилмоқда.

Яқун. Қозоқ хонлиги Ўрта Осиёда хонликлар даври тарихининг ажралмас қисми сифатида минтақа ўтмишида ўзига хос ўринга эга. Мавжуд ёзма манбалар, айниқса сарой девонхонасига тегишли расмий ҳужжатлар ушбу хонликнинг маъмурий бошқарув тизими, мамлакат ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳамда маданий ҳаётини ўрганиш имконини беради. Хусусан Таваккалхонга тегишли ҳужжатлар ўша вақтда хонлик девонхонаси фаолияти қўшни Бухоро, Хива ва Ёрқанд саройи анъаналарига (ҳужжатлар формуляри, туркий тил ва атамалар) жуда ўхшашлиги маълум бўлди. Бу аввало ушбу давлатлар девонхонаси Олтин Ўрда, Чигатой хонлиги ва Темурийлар даври анъаналари асосида шакллангани билан боғлиқ. Қолаверса, қозоқ хонлари ва султонларининг Шайбонийлар сарҳадларда шаклланган маҳаллий девонхоналар хизматидан фойдалангани билан ҳам боғлиқ. Бунга Таваккалхоннинг Тошкентда берган ёрлиқлари ёрқин мисол бўладолади. Таваккалхон ёрлиқлари бир томондан унинг XVI асрнинг сўнги ўн йиллигида Туркистон ва Тошкент учун Шайбонийлар билан олиб боргани кураши натижасини кўрсатади. Яъни унинг ҳарбий ҳаракатлар сўнгида Таваккалхон қисқа вақт бўлса-да ушбу ҳудудлар ўзининг олий ҳокимиятини ўрнатди, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар у чиқарган тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинди. Икки томондан, Таваккалхон ёрлиқлари тадқиқотчиларга XVI асрда Туркистон (Ясси) шаҳри маъмурий бошқарув тузилмалари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, айниқса Хожа Аҳмад Яссавий мозори ҳақида қимматли маълумотларни беради. Келгусида ушбу хон номидан берилган ёрлиқларнинг янги нусхаларининг топилиши ушбу мавзуда қўшимча фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди, деган умиддамиз.

РЕЗЮМЕ

15 асрнинг 60-70-йилларида юзага келган Қозоқ хонлиги кейинги икки аср давомида минтақа тарихида чуқур из қолдирди. Хонликнинг сиёсий тарихи анча яхши ўрганилган бўлса-да, унинг сарой девонхонаси ва расмий ҳужжатларни юритиш анъаналари деярли тадқиқ этилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири хонлик ҳукмдорлари номидан берилган ҳужжатларнинг жуда кам сақланганидир. Лекин ўша кам сонли ҳужжатлар асосида ушбу масалада дастлабки фикр-мулоҳазаларни билдириб турсак бўлади. Ушбу мақола айти шу муаммони қозоқ хони Таваккалхонга тегишли ёрликлар мисолида ўрганишга бағишланган. Унда ушбу хон номидан берилган учта ёрлик асосида девонхона фаолияти, ҳужжатлар формуляри ва тили, услуби бўйича хулосалар берилган.

Калит сўзлар. *Қозоқ хонлиги, Таваккалхон, сарой девонхонаси, ёрлик, туркий тил.*

Казахское ханство, возникшее в 60–70-х годах XV века, оставило значительный след в истории в Центральной Азии на протяжении двух последующих столетий. Несмотря на хорошую изученность политической истории ханства, его дворцовая канцелярия и традиции ведения официальной документации остаются практически неизученными. Одной из главных причин этого является крайне малое количество сохранившихся законодательных актов, издаваемых от имени правителей ханства. Тем не менее, даже на основе этих немногочисленных документов можно выдвинуть предварительные гипотезы по данной теме. Настоящая статья посвящена изучению этой проблемы на примере ярлыков казахского хана Таваккал-хана. В ней представлены выводы о деятельности канцелярии, структуре (формуляре) и языке законодательных документов.

Ключевые слова: *Казахское ханство, Таваккал-хан, дворцовая канцелярия, ярлык, тюркский язык.*

The Kazakh Khanate, which emerged in the 1460s–1470s, left a significant mark on the history of Central Asia over the following two centuries. While the political history of the Khanate has been well studied, its royal chancery and traditions of official document management remain largely unexplored. One of the main reasons for this is the extremely limited number of surviving royal deeds issued in the name of the Khanate's rulers. Nevertheless, even these few documents allow us to propose preliminary hypotheses on the subject. This article focuses on the same issue using the example of yarlyks (official decrees) issued by the Kazakh Khan Tawakkal Khan. It presents conclusions about the work of the chancery, the structure (formular) of the documents, and their language.

Keywords: *Kazakh Khanate, Tawakkal Khan, court chancery, royal deeds, Turkic language.*

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абусейтова М. Х. Казахское ханство во второй половине XVI века. – Алма-Ата: Наука, 1985. – 104 с.
2. Атыгаев Н. Казахское ханство: очерки внешнеполитической истории XV–XVII веков. – Алматы: Евразийский научно-исследовательский институт МКТУ им. Х.А. Ясави, 2023. – 225 с.
3. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Собр. соч. Т. 8. – Москва, 1973. – С. 200-203.
4. Ерофеева И.В. Письма казахских правителей. 1675-1780 гг. Эпистолярное наследие казахской правящей элиты 1675-1821 годов. Том 1. Алматы, 2014. – 692 с.
5. Исторические документы мавзолея Ходжа Ахмада Йасави. – Астана, 2017. – 216 с.
6. История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней в пяти томах. Т. 2. – Алма-Ата, 1979. – 424 с.
7. Казахская степь в архивных документах (третья четверть XVIII в.). 7. Сборник документов. – Алматы, 2023. – 432 с.
8. Казахско-русские отношения в XVI–XVIII веках (сборник документов и материалов). – Алма-Ата, 1961. XVI, 743 с.
9. Казахско-русские отношения в XVIII–XIX веках (1771–1867 годы). (Сборник документов и материалов). – Алма-Ата: Наука, 1964. – 575 с.
10. Картова З.Н., Абуов Н.А., Ильясова Г.С. Делопроизводство степных правителей XV–XVIII веков: канцелярские практики и эпистолярное наследие // *Bylye Gody*, 2024. Vol 19, Issue 4. – P.1503-1512.
11. Каталог писем и документов казахских правителей XV–XVIII веков (текстологический анализ). Редакционная коллегия: Кумеков Б.Е., Картова З.К., Абуов Н.А., Жунисбаев У.Д., Ошан Ж. Петропавловск, 2024. – 291 с.
12. Кумеков Б.Е., Настич В.Н., Шуховцов В.К. Письменные документы из Южного Казахстана (Предварительное сообщение) // *Вестник АН КазССР*. 1977. № 8. – С.70-73.
13. РФА Шарқ құлзъмалари институти (Санкт-Петербург). Шарқшунослар архиви. А.Л. Кун коллекцияси. 33-фонд.
14. Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана, 2006. — 256 с.
15. Султонов У.А. К вопросу жалованные грамоты казахских ханов переданный мазара Ахмад Йасави (конец XVI–XVII вв.) / *Исламская духовность, рациональность и этнокультурные традиции как факторы противодействия религиозному экстремизму*. – Астана, 2016. – С.90-97.
16. Хафизова К.Ш. Степные властители и их дипломатия в XVIII–XIX веках. – Нур-Султан, 2019. – 476 с.
17. Шах-Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроник. Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели О.Ф. Акимушкина. 2-е

издание. – Санкт-Петербург, 2010. – 416 с.

18. Шуховцов В.К. Письменные документы из города Туркестана // Казахстан в эпоху феодализма (Проблемы этнополитической истории). – Алма Ата, 1981. – С.164-191.

19. Юдин В.П. Грамоты из Сыгнака (вступ. статья) // Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений). – Алма-Ата: Наука, 1969. – С.313-319.

20. Ўзбекистон миллий архиви (Тошкент ш.). И-17-фонд.

21. Muhammad Yar Ibn Arab Mukhammad Qatghan. Musakhir al-bilad (The History of Shaybanid). Edited by Nadira Jalali. – Tehran: Miras-i Maktub, 2006. – 486 p.

Ф. ДЖУМАНИЯЗОВА

V-VI АСР ҲИНД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИДА «ХУНАЛАР»:
КИДАРИЙЛАР ЁКИ ЭФТАЛИЙЛАР

Ҳинд ёзма манбаларида “хуналар” деб аталган ва Ҳиндистонга бостириб қирган этник гуруҳларнинг аслида қандай келиб чиқишга эга эканлиги ва мазкур минтақа тарихида тутган ўрни юзасидан тадқиқотларда турли фикрлар мавжуд. “The Hunas in India” (1965 й.) китобининг муаллифи Atreyi Ray хуналар томонидан Ҳиндистонга қилинган ҳужумни Тўрамана билан эмас, балки ундан аввалги авлодлари билан бошлаш кераклигини ёзган⁹². XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган илмий тадқиқотларда фақат икки нафар Хуна шоҳи – Тўрамана ва Миҳиракула(қисман уларнинг бобокалони бўлган Тужина/Тегин)нинг Ҳиндистонда ҳукмронлик қилгани, уларнинг ҳокимияти асосан шимолий-ғарбий чегара ҳудудлар билан чеклангани таъкидланади. Хуналар томонидан Ҳинд яриморали ичига қилинган бостириб киришлар вақтинчалик бўлган, деган фикр кенг тарқалган. Шу икки шохдан кейин Хуна қабиласи гўёки йўқолиб кетган, деб қаралади. Хуналар кўплаб тадқиқотчилар фикрича ғарбий хунларнинг санскритлашган шаклидир. Ҳинд адабиётида света-хуна (оқ хун) ва хара-хуна (қора хун) каби номлар зикр этилган, бундан ташқари кермихионлар-қизил хунлар ҳам бор. Ҳиндистонга шимолдан келган халқлар қадимдан турли номлар билан аталган: саклар – “шакалар”, кушонлар – “турушка”, эфталлийлар – “хуналар” каби. Ҳинд ёзма манбаларида улар бир-биридан яхши ажратиб кўрсатилган. Аммо “хуналар” номи остида баъзан кидарийларни тушуниш кераклигини ёклаган тадқиқотлар ҳам учрайди. Классик тадқиқотлар “хуналар” деганда фақат “оқ хунлар” назарда тутилганини таъкидлайди⁹³. Ҳинд пураналарида кидарийларнинг ҳам “хуналар” шаклида аталгани бу масалага жиддийроқ ёндашиш кераклигини кўрсатади⁹⁴. Ўзларини Кушонларнинг давомчиси дея танитишга уринган ва кушоншоҳ унвонини ташиган кидарийлар ҳам Гандхара ҳудудини забт этиб, Қашмиргача кенгайгани ва уларнинг ҳукмронлиги 390-йилдан 430-йилгача давом этгани ҳақида маълумотлар бор. Ҳинд “Пурана”лари ва машҳур санскрит шоири Калидаса кидарийларни ҳам, эфталлийларни ҳам “хуна” деб атаган. Ҳиндистон тарихшунослигида хуналар Марказий Осиёда пайдо бўлган ва кейинчалик кидарийлар, алхонлар ва эфталлийлар деб аталган турли гуруҳларга ажраб, милодий IV-VI асрлар оралиғида Марказий

92 Ray A. The Hunas in India. Thesis submitted for the degree of Doctor of Philosophy at the University of London. – London: 1965. – P. 8.

93 Alram M. Three Hunic Bullae from Northwest India. Bulletin of the Asia Institute, vol 17 (2003/2007). – P. 177-184; Alram M. Huns and Western Turks in Central Asia and Northwest India//A Survey of Numismatic Research 2002-2007. IAPN (International Association of Professional Numismatics). Special Publication 15, Glasgow, 2009. – P. 516-519; Arady E. – *The Yue-chis, Kushans and Hephthalites*//Eurasian Studies. – Vol. II. – Issue II. – April-June. 2010. – P. 47-56; Biswas A. Political History of Hūnas in India. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publ, 1973; Mızrak E.Ç. Başlangıçtan Mihiragula döneminin sonlarına kadar Hindistan hunaları (455 – 532)//Avrasya İncelemeleri Dergisi/Journal of Eurasian Inquires 2017; VI/2. – S. 131-147; Savaş M.M. Hint topraklarında ak hun varlığı//Türkiye’de Hindistan çalışmaları-I. Editörler Prof. Dr. A. Merthan Dündar, Doç. Dr. Yalçın Kayalı. Ankara: 2021. –S. 67-80.

94 Arady E. – *The Yue-chis, Kushans and Hephthalites...* – P. 50.

Осиё ва Ҳиндистоннинг катта ҳудудларида ҳукмронлик қилган. Ҳинд тарихшунослигида хуналар ахлоқсиз, қонхўр ва ваҳший қабила сифатида талқин қилинган. XX аср бошларида Европа тарихчилари, хусусан В.А. Смит, хуналар сардори Михиракулани “қонхўр золим” ва “Ҳиндистоннинг Аттиласи” деб атаган⁹⁵. Хуналар хусусида Марказий Осиё савдо йўлларини бузганлик, Шимоли-ғарбий Ҳиндистонда буддавий таълимотини эзганлик, Гупта империясини кулатиш каби салбий қарашлар мавжуд. Уларнинг келиши кўпинча Ҳиндистон тарихидаги “қоронғу давр” ҳамда мамлакатда кучли марказий сиёсий ва маданий бирлик йўқолган деб ҳисобланган.

Ҳиндистонда V-VI асрларда бир муддат фаолият кўрсатган минтақага шимолдан кириб борган халқлар – катта эҳтимол билан юэчжи ва хун келиб чиқишга қабилаларнинг кидарийлар ва эфталийлар сулолаларининг “хуналар” шаклида репрезентацияси асосан ҳинд ёзма ёдгорликларида (санскрит тилида) намоён бўлади. Аммо бу хусусда катта муаммо шундаки, ҳинд халқлари ўз манбаларида “хуналар” шаклида V-VI асрларга оид маълумотларда айнан кимни назарда тутган: улар эфталийлар бўлиши мумкинки ёки сал олдинроқ Гандҳарага келган кидарийларни тушуниш керакли тадқиқотларда кўплаб тортишувли қарашларга эга. Анъанавий қарашга кўра, санскрит манбаларидаги *хуна*, *света хуна* номлари билан оқ хунлар/эфталийлар қабул қилинган. Аммо шуниси муаммолики, аввал Тохаристонда, кейин ал-Ҳинд, хусусан Гандҳара ва Кашмир ҳудудларида V асрнинг сўнгида ва VI бошларида кидарийлар ва эфталийлар (оқ хунлар) фаолиятига тегишли воқеалар бир-бирига аралашиб кетган, ҳатто ўша давр манбаларида ҳам улар аниқ келтирилмаган. Бу ҳолат кейинчалик бу икки сулолани тадқиқ қилувчи тадқиқотчилар ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқарган. Хусусан, ушбу мақола ал-Ҳинд ҳудудларида V асрнинг сўнгида ва VI бошларида кидарийлар ва эфталийлар баравар тушуниладиган ҳинд китобаларидаги “хуна” атамасини кимга тегишли эканини аниқлашга қаратилган.

Ҳинд манбаларидаги “хуналар” сўнгги йиллардан эфталийлар мавзунинг бош мутахассисларидан бири саналган туркменистонлик тадқиқотчи А.Курбанов фикрича ҳам оқ хунлар/эфталийлар бўлиб, улар ҳақдаги асосий маълумотлар милодий V-VI асрларга оид бўлиб, турли жойларда ўрнатилган тош устунлар ёзувларидан олинган. Қуйида уларнинг асосий манбалари келтирилган:

Эран, Мадҳя-Прадеш штати, Ҳиндистон: Будҳагуптанинг тош устуни ёзуви; Тўрамананинг тош тўнғиз ҳайкалига ёзилган ёзуви; Гопаражанинг вафотидан кейинги устун ёзуви.

Salt Range минтақаси, Панжоб, Покистон: Тўрамананинг Кура шағал тош ёзуви.

Гвалиор, Мадҳя-Прадеш штати, Ҳиндистон: Михиракуланинг тош ёзуви.

Мандсаур, Мадҳя-Прадеш штати, Ҳиндистон: Яшодҳарманнинг тош устун ёзуви; Кумарагуптанинг тош ёзуви; Пракашадҳарма Ауликаранинг Рисхтал тош лавҳаси ёзуви.

Кахум, Уттар-Прадеш, Ҳиндистон: Скандагуптанинг тош устуни ёзуви.

Жунагадх, Гужарат, Ҳиндистон: Скандагуптанинг тош ёзуви.

⁹⁵ Kumar A. The Huns (‘Hūnas’) in India: A Review // Studies in People’s History, 8,2. 2021. - P 182.

Бхитари, Уттар-Прадеш, Ҳиндистон: Скандагуптанинг тош ёзуви⁹⁶.

Хусусан, охириги Бхитари устун ёзувида қайд этилишича, Скандагупта тахминан милодий 456/457 йилларда хуналарга қарши урушлар олиб борган. Гандхаранинг хуна деб номланувчи халқлар томонидан забти 460-470 йиллар орасида рўй берган, чунки Гупта ҳукмдорларидан бири - Скандагупта (455-467/68) ушбу хуналарга қарши уруш олиб боришга мажбур бўлган ва ҳатто уларнинг дастлабки ҳужумларини тўхтатишга ҳаракат қилган. Кўпчилик тадқиқотчилар эса Гупталар ва хуналар ўртасидаги биринчи тўқнашув милодий 457-460 йилларда бўлган деб ҳисоблашади. Я. Хармагтанинг фикрига кўра, Скандагупта хунлар устидан ғалаба қозонган ва тарихий шароитга қараб, бу хуналар кидарийлар бўлган бўлиши мумкин⁹⁷. Бхитари тош ёзувида айтилишича, Вишну худоси танага кириб, хуналарга қарши қудратли жангга киришган Скандагуптага ёрдам беради, унинг характериға таъсир кўрсатади ва унга бир қатор илоҳий қудратлар бахш этади. Ушбу қудратлардан бири шундай тасвирланади: Скандагупта моҳир камончи бўлиб, унинг камон торидан чиққан овози гўёки душманнинг онгида тун-у кун тўхтамайдиған даҳшатли чақирикдек таъсир қилар эди. [№13; Лавҳа VII (сатр 15)]: *“Икки қўли билан ерни титратган, даҳшатли гирдоб яратувчиси, хуналарга қарши кўкрак-кўкракка жангга киришганида, душманлари орасида ўқларининг овозини эшиттирди... Бу ўқлар, гўё Ганг дарёсининг сувиллаши каби, душманларининг қулоғида янгради...”*⁹⁸.

Хуналар тарихи бўйича диссертация муаллифи А. Рай ҳам Бхитари ёзувидаги биринчи хуна босқини Тўрамана ва Михиракуланинг аждоқлари бўлган ёки бўлмаганини аниқ айтиш қийин эканини таъкидлайди⁹⁹. Аммо Михиракуланинг бобоси Гандхарада ҳукмронлик қилгани маълум, шунинг учун Бхитари ёзувида тилга олинган хуналар ҳам айнан шу уруғдан бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деган хулосага ҳам келган.

Гупталарнинг зафарлар билан тўлган даври Жунагадх тоғ ёзувларида шундай ифтихор билан ифода этилган: [№14; Лавҳа VIII, 2-бўлим (сатр 24)]: *“... У (Скандагупта), мағрур душманларининг кибрини йўқ қилувчи; буюк мақтовларга сазовор; сулоласининг байроғи; бутун ер юзининг ҳукмдори; унинг диндор амаллари иунчалик юксак эдики, бу амаллар ҳатто подишолар устида барпо этган ҳукмронлигидан ҳам улуг эди...”*. Бироқ, ушбу зафарли тинчлик даври узоққа чўзилмади. Жунагадх ёзувида бу келгинди унсулар “млечча” деб аталган, ҳукмдорларининг номи эса келтирилмаган. Бу янада уларнинг кимлигини аниқлашда мураккаблик туғдиради. Милодий 465 йиллар атрофида, анча кучлироқ хуна тўлқини Гупта империясининг чегараларига ҳужум қилиб, Гандхарани (яъни Панжобнинг шимолий ғарбий қисмини) босиб олди. Хуналар бошлиғи қадимги «Кушон тахти»ни эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Милодий 470 йилларда эса хуналар империянинг ички ҳудудларигача

96 Kurbanov A. The Hephthalites: Archaeological and historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010. –P. 117.

97 Harmatta J. Late Bactrian Inscriptions. Acta Antiqua Academiae Scientiarum Hungarica 17, 1969. –P. 398.

98 Mızrak E.Ç. Başlangıçtan Mihiragula döneminin sonlarına kadar Hindistan hunaları (455 – 532)//Avrasya İncelemeleri Dergisi-Journal of Eurasian Inquires 2017; VI/2. – S. 136.

99 Ray A. The Hunas in India... –P. 84.

илгарилаб, Скандагупта хукмронлиги марказига хужум қилишди. Бу сафар Скандагупта қарши туришда муваффақиятга эриша олмади ва узлуксиз хуна хужумларига бардош бера олмади. Милодий 480 йиллар атрофида Скандагуптанинг вафоти билан, аллақачон урушлар ва мағлубиятлар ортидан чегаралари қисқарган, хазинаси эса таназзулга учраган Гупта империяси янада оғир бир даврга юз тутди ва Ҳиндистон тарихининг “олтин даври” тугади. Бу жараён Гупта империясининг таназзулини бошлаб берди ва хуналарнинг Ҳинд субконтинентидаги таъсири янада ортди¹⁰⁰. Жунагадх тоғ ёзувида Гупта империясининг хукмдорларидан бири - Скандагуптанинг шимолдан хужум қилган хуналарга қарши қозонган ғалабаси ҳақида ёзилган. Ҳиндшунослар тахминан 457 йилга тўғри келувчи жанг ҳақида хабар беришган. Улар VI аср бошида хуналарнинг аввал Тўрамана раҳбарлигида, сўнгра тахминан 515 йилдан бошлаб Михиракула бошчилигида ҳинд тувроқларига борганини айтадилар. Улар асос солган давлат Шимолий Ҳиндистонда 533 йилдан кейин йўқ қилинган¹⁰¹. Хитой манбаларида кидарийларнинг Ҳиндистон тувроқларида эслатилиши 477 йил билан белгиланади¹⁰².

Хуналар кимлигини аниқлашда хитой манбаларининг берган маълумотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хитой йилномаси “Бей-ши”да айтилишича, Кидарийлар хукмдори Кидара ўз қўшинларини тўплаб, тоғлардан ошиб ўтган ва Гандхарани ҳамда унинг шимолидаги яна тўрт худудни (баъзан 5 та) ўз хукмронлиги остига олган. Шундай қилиб, Кидара хукмронлиги даврида Кидарийлар давлати Ҳиндикуш тоғларининг шимоли ва жанубидаги кенг худудларни эгаллаган. Демак, келиб чиқиши ва давлатининг шаклланиши туронлик бўлган ва Ҳинд тувроқларида “янги одамлар гуруҳи” саналган Кидарийлар Кушон давлатининг изини давом эттириб, Ҳиндикушни кечиб ўтишга ва у ерда ўз бошқарувини ўрнатишга муваффақ бўлганлар. “Бей-ши”нинг бошқа бир парчаси, Кичик юэчжилар ҳақида сўз юритар экан, Кидарийларнинг пойтахти Ҳиндикуш жанубидаги асосий шаҳри ҳозирги Пешавар яқинида жойлашган ва у хитойча Fu-luo-sha деб аталган. Бу шаҳарнинг хукмдори Кидара эмас, унинг ўғли (Кунхас/Кунхон?) бўлган. Хитойга юборилган элчиликлар ҳақидаги маълумотлар кидарийларнинг Ҳиндистондаги фаолиятини кўрсатиб беришда бирмунча ёрдам беради. V асрнинг ўрталарида яшаган кидарийлар хукмдори “Вэй шу” асарига кўра, Цзидоло (Кидара) қатта юэчжи ҳақидаги қисмда келтирилган. Шунингдек, Жанубий Хитойдаги Лян сулоласи тарихига бағишланган “Лян шу” асарида Тяньчжунун (Ҳиндистоннинг марказий қисми) таърифи берилади ва бу ерда подшоҳ номи Цюйдо деб ёзилган. Хитойлик будда роҳиб Сюан Цзаннинг “Да Тан Циюй Цзи” асарида у Цзилидо деб аталган. Л.А. Боровкова фикрича, буларнинг барчаси кидарийлар (кушонлар) подшоси бўлиб, Кидара ёки Цзидолонинг турлича ёзилган номидир. “Лян шу” асарининг 54-бобида Тяньчжунун (Марказий Ҳиндистон)нинг икки

100. Mızrak E.Ç. Başlangıçtan Mihiragula... – S. 136.

101. Массон В.М, Ромодин В.А. История Афганистана. С древнейших времен до начала XVI в. Т.I. – Москва: Наука, 1964. - С.205.

102. Xiang W. A Study On The Kidarites: Reexamination Of Documentary Sources// Archivum Eurasiae Medii Aevi edited by Th. T. Allsen, P. B. Golden, R. K. Kovalev, and A. P. Martinez. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2012. №.12 - P. 294.

ярим саҳифалик таърифида Тяньцзянь даври бошида (502-519 йй.), подшоҳ Цюйдо ўзининг элчиси Чжулодани императорга мактуб олиб бориш учун юборгани айтилади ва бир неча авлоддан бери давом этиб келаётган шохлик сулоласига мансублиги айтилган¹⁰³. Юқоридагиларга таяниб, Л.А. Боровкова кидарийлар кушонларнинг сўнги босқичдаги тарихий давомчиларидир, деган хулосага келади. Бирок, кидарийларни тўғридан-тўғри кушонларга боғлаш учун бу фактлар етарли эмас, кушонларга улар, айниқса ал-Ҳинд худудига боргач, ўзларини легитимация қилишга мажбур эдилар. Зеро, кушонларнинг Гандҳара ва Марказий Ҳиндистонда сиёсий обрўси ниҳоятда юксак бўлганки, улардан кейин бу минтақага келган барча шимоллик кўчманчи сиёсий тузилмалар ўзларини уларга боғлашга уринганлар. Ҳатто, VII-VIII асрларда бу минтақаларда ҳукмронлик қилган туркий Кобулшоҳлар ҳақидаги ривоятда ҳам улар 60 чамаси бу ерда мавжуд экани ва машҳур подшоҳларидан бири Каник (Канишка) эканини Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида таъкидлаб ўтади¹⁰⁴. Яна ўша тадқиқотчи “Лян шу” йилномасида Тяньчжудан Цюйдо номли подшоҳнинг элчиси келгани ҳақидаги хабар Тяньцзянь даврининг 2-йили 7-ойида деб қайд этилгани, яъни бу 503-йилга тўғри келишини алоҳида таъкидлаб, Кидара ўзининг Ҳиндистонда забт этган Цяньто(ло) номли подшоҳлигида камида 504-йилгача ҳукмронлик қилган, дея фикр билдиради¹⁰⁵. Аммо Кидарага тегишли деб тахмин қилинадиган Ғарбий Ҳиндистонда топилган ва брахми ёзувида “Кидара Кушоншоҳ” деб ёзилган тангалар V ёки VI асрга тегишлими, деган савол ҳам бор. Энг масалани қийин томони Кидаранинг фаолияти IV ёки V, ҳатто VI асрда яшагани ҳалигача олимлар орасида тортишувли, аммо VI асрнинг биринчи ўн йиллигида яшаган Тяньчжудаги Цюйдо исмли подшоҳ кидарийлардан эмас, эфталийлардан бўлган бир ҳукмдор ёки маҳаллий бошқарувчи ҳам бўлиши мумкин.

Қизиғи шундаки, Беруний Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон худудидаги этномаданий жараёнларда IV-V асрлардаги юэчжи, кидар, хион, эфтал қабилалари ҳақида сўз юритмайди¹⁰⁶. Бу ҳолат уларнинг кушонлар машҳурликка эриша олмагани кўрсатади, кушонлар улардан фарқли ўлароқ Ҳиндикушнинг ҳар иккала тарафида ҳукмронлик қилган, йирик давлат курган, Гандҳарада йирик маъмурий марказ билан бирга йирик будда ибодатхоналари курган эди.

Шу билан бирга, тарихчилар ва нумизматлар ўртасида кидарийлар тарихини тиклашда шундай катта тафовут Ф. Гренет таъкидлаганидек, “Кидарийлар даврига оид тиклашлар кескин фарқ қилади”, деб

103. Аммо бу маълумотдаги Цюйдо исмли ҳукмдорнинг кидарийларга тегишли экани кўрсатса, унда Марказий Ҳиндистонда VI асрнинг бошларида минтақада кидарийлар сиёсий бошқаруви мавжуд эканини аниқлашда муҳимдир. Шунга қарамай, VI асрнинг биринчи ярмида ушбу минтақада эфталийлар (оқ хунлар) фаол бўлгани ҳам, бу маълумотларнинг кидарийларнинг ёки эфталийларнинг подшоҳига тегишли экани масаласини мураккаблаштиради.

104. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. (Арабчадан А. Расулев, Ю. Ҳакимжонов ва Ф. Жалолов тарж. Масъул муҳаррир: Ф. Жалолов ва А. Ирисов). Т. 2. – Тошкент: Фан, 1965. – С. 311-312.

105. Боровкова Л.А.. Народы Средней Азии III–VI веков (по древним китайским и западным источникам). М.: Институт востоковедения РАН. 2008. – С. 296.

106. Джуманиязова Ф. Почему Беруни не упомянул эфталитов в своем труде “Индия”?// Туркестанский сборник 1. Новейшие исследования по истории и истории культуры Туркестана. Lambert Academic Publishing, 2022. –С. 21-28.

баҳоланган¹⁰⁷. Бир томондан, Хитой ва Византия солномаларига таянган ҳолда, Кидаранинг Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонга эрта кириб келгани ва Кидарийларнинг “хунлар” билан боғлиқлигини рад этган. Бошқа томондан эса, Ф. Гренет Кобул яқинидаги Тепаи Маранжан хазинасидан топилган тилла тангаларнинг энг сўнги сериясидаги *βαγο κιδαρο* (*Vago Kidaro*) ёзувини ўқиб, бу тангалар сосоний Шопур III (хукмронлик йиллари 383-388) даврига тўғри келади, деб хулоса қилиб, Кидарийлар Бактрия ва Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонга (IV асрнинг иккинчи ярмида) босқинчиларнинг биринчи тўлкини бўлиб кириб келишган¹⁰⁸. Эроншуносларнинг деярли барчаси Енокининг тиклашини қабул қилган: яъни Кидарийлар подшолигининг Бактрияда шаклланиши ҳамда Гандхара ва унинг шимолидаги “Беш подшолик”ни забт этиш жараёни 420-йилларнинг охирига тўғри келади. Этьен де ла Вайссиер бу фикрни бир неча бор тасдиқлаган ва Енокининг санасига қўшилган.

Дарҳақиқат, кидарийлар муаммосини ҳал қилиш учун нумизматлар ва тарихчилар ҳамкорликда иш олиб боришлари лозимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, ўтган давр давомида бир гуруҳ эроншунослар, тангашунослар, археологлар томонидан кидарийлар хронологиясини тиклаш юзасидан ишлар олиб борилган бўлсада¹⁰⁹, бевосита бу мавзунини тўлиқ қамраб оладиган монографик тадқиқот ҳалигача мавжуд эмас.

Нумизмат Ж.Крибб янги, методологик жиҳатдан мукамалроқ сценарийни кидарийларга нисбат бериладиган тангаларга таяниб беради. Унга кўра, анъанавий кушонларга мойил кидарийлар (бирок кушонлар бўлиши аниқ эмас) ўрнини тахминан 420 йилларда ноанъанавий Алхонлар эгаллаган. Кидарий Кидара тангалари орқа томонидаги брахми ёзувидаги “алаха” номи сифатида талқин қилинган матн кидарийлар ва Алхонлар ўртасидаги мураккаброқ муносабатлар мавжудлигини кўрсатиши мумкин. Ж. Криббнинг яна бир илғор фикрига кўра, алхонлар Алаха номли шахс раҳбарлигида ва аввал Кидарийлар таркибидаги бир гуруҳ бўлган ва кейинчалик кидарийлар подшолигида хукмронликни ўз қўлларига олган.

Умуман олганда, кидарийларнинг Ҳиндистондаги фаолияти тарихчилар ва нумизматлар орасида тортишувли эканини кўриш мумкин. Нумизматларнинг фикрига таянадиган бўлсак, хуналар шаклида ҳеч қачон кидарийлар Гандхара ва Кашмир худудларида намоён бўлмайди, уларнинг фаолияти V

107. Grenet F. Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephthalite periods//in Nicholas Sims-Williams ed., Indo-Iranian Languages and Peoples, Proceedings of the British Academy: 116. -New York: 2002. –P. 203-24.

108. Grenet F. Regional interaction in Central Asia... –P. 206.

109. Cribb J. The Kidarites, the Numismatic Evidence”//An Analytical Appendix by A. Oddy, in Michael Alram et al. eds., Coins, Art and Chronology II: The First Millennium C.E. in the Indo-Iranian Borderlands, Vienna: Austrian Academy of Sciences, 2010. – P. 91-146; Dani, A.H. Eastern Kushans and Kidarites in Gandhara and Kashmir//History of Civilizations of Central Asia, vol. 3, edited by B. A. Litvinsky, Paris: UNESCO, 1996. – P. 166–180; Di Cosmo N. Ancient China and Its Enemies: The Rise of Nomadic Power in East Asian History. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002; Fussman G. Les Yuezhi et le Koushanshahr//In Numismatic Evidence of the Kushan Empire, edited by Joe Cribb, – Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – P. 65-87. MacDowall D.W. The Kidarite Kingdom in Gandhara and Surrounding Regions/ Journal of the Numismatic Society of India, vol. 34. – Hindiston: Numismatic Society of India, 1972. – P. 45-57.

асрнинг бошлари (420 йиллар) билан белгиланади. Тарихчилар 456 йилда биринчи марта ёзма манбаларда Кидарий хунларининг тилга олинганини таъкидлайдилар. Бизнингча, 455-470 йилларга оид деб ҳисобланадиган эрта ҳинд ёзма манбалари – Бхитари ва Жунагадх ёзувларидаги хуналар ва млеччалар айнан кидарийлар бўлиши мумкин. Уларнинг тепасида тахминан шу даврларда Кидаранинг ўғли Кунхас турган. Скандагупта бошчилигида уларнинг хужумлари тўхтатилган. Айнан кидарийлар Гандхара ва Кашмирдан бошқа бир хуналар – оқ хунлар томонидан ҳайдаб чиқарилган. Сўнгги ёзувларда эса хуналар сифатида эфталийларни тушуниш керак. Буларнинг Ҳиндистонга юришларини аслида хун ва юэчжи қавмларининг навбатдаги йирик кўчишларининг бир қисми сифатида қараш мантиқлироқ. Ҳинд ёзма мантлари ҳақида хуна деб аталиши ҳам аслида шунга ишора беради.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада илк ўрта асрларга (V-VI асрларга) оид ҳинд ёзма манбаларида (Эран тош устун ёзуви; Тўрамананинг тош тўнғиз ҳайкалига ёзилган ёзуви; Гопаражанинг вафотидан кейинги устун ёзуви, Тўрамананинг Кура шағал тош ёзуви, Гвалиордаги Михиракуланинг тош ёзуви. Кумарагуптанинг тош ёзуви, Жунагадхдаги Скандагуптанинг тош ёзуви ва Бхитари тош ёзуви)ларида тилга олинган, Ҳиндистонга ташқаридан келган халқлар – хуналарнинг аслида кимлиги масаласи кўриб чиқилган. Бугунгача анъанавий қарашларга кўра, ҳинд ёзма мантларидаги хуналар номи остидаги халқлар фақатгина оқ хунлар/эфталийлар эканлиги кўп бора таъкидланган. Тадқиқотда Бхитари ва Жунагадхдаги (млечча шаклида) ёзувларда эса хуналар ва млеччалар аслида 480 йилларга қадар кидарийлар бўлиши мумкинлиги илгари сурилган. Кидарийлар оқ хунлар томонидан шу йиллар давомида Гандхара ва Кашмирга кириб келган эфталийлар томонидан ҳайдаб чиқарилган бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: *хуналар, Ҳиндистон, кидарийлар, эфталийлар, млеччалар.*

В данной статье рассматривается вопрос о подлинной идентичности народов, упоминаемых в индийских письменных источниках раннего средневековья (V-VI века), как пришлые народы – хунны. Анализируются надписи того периода, в том числе: надпись на Эранском каменном столбе, надпись на каменной статуе кабана в Торамана, надпись на столбе после смерти Гопараджи, надпись Тораманы на камне из Кура, каменная надпись Михиракулы в Гвалиоре, надпись Кумарагупты, надпись Скандагупты в Джунагадхе и Бхитари. До сегодняшнего дня в научной традиции доминировала точка зрения, что под именем «хунны» в индийских письменных источниках подразумеваются исключительно эфталиты (белые гунны). Однако в рамках данного исследования выдвинуто предположение, что народы, обозначенные в надписях Джунагадха и Бхитари как хунны и млеччи, могли быть кидаритами, существовавшими до 480-х годов. Вероятно, кидариты были вытеснены

эфталитами (белыми гунами), вторгшимися в Гандхару и Кашмир в указанный период.

Ключевые слова: хунны, Индия, кидариты, эфталиты, млеччи.

This article examines the issue of the true identity of the foreign peoples - referred to as the Hunas - in early medieval (5th-6th century) Indian written sources. The inscriptions analyzed include the Eran stone pillar inscription, the inscription on Toramana's boar statue, the pillar inscription after the death of Goparaja, Toramana's Kura gravel stone inscription, Mihirakula's stone inscription in Gwalior, Kumaragupta's stone inscription, the Skandagupta inscription in Junagadh, and the Bhitari stone inscription. Traditionally, scholars have widely asserted that the peoples referred to as "Hunas" in these texts were exclusively the White Huns or Hephthalites. However, this study proposes that the "Hunas" and "Mlecchas" mentioned in the Bhitari and Junagadh inscriptions may have been the Kidarites prior to the 480s CE. It is suggested that the Kidarites were likely expelled from the regions of Gandhara and Kashmir by the invading Hephthalites during that period.

Keywords: Hunas, India, Kidarites, Hephthalites, Mlecchas.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. (Арабчадан А. Расулев, Ю. Ҳакимжонов ва Ғ. Жалолов тарж. Масъул муҳаррир: Ғ. Жалолов ва А. Ирисов). Т. 2. – Тошкент: Фан, 1965.
2. Боровкова Л.А.. Народы Средней Азии III–VI веков (по древним китайским и западным источникам). М.: Институт востоковедения РАН. 2008.
3. Джуманиязова Ф. Почему Беруни не упомянул эфталитов в своем труде "Индия"?// Туркестанский сборник 1. Новейшие исследования по истории и истории культуры Туркестана. Lambert Academic Publishing, 2022. –С. 21-28.
4. Массон В.М, Ромодин В.А. История Афганистана. С древнейших времен до начала XVI в. Т.I. – Москва: Наука, 1964.
5. Alram M. Three Hunic Bullae from Northwest India. Bulletin of the Asia Institute, vol 17 (2003/2007). –P. 177-184.
6. Alram M. Huns and Western Turks in Central Asia and Northwest India//A Survey of Numismatic Research 2002-2007. IAPN (International Association of Professional Numismatics). Special Publication 15, Glasgow, 2009. –P. 516-519.
7. Arady E. – *The Yue-chis, Kushans and Hephthalites*//Eurasian Studies. – Vol. II. – Issue II. – April-June. 2010. –P. 47-56.
8. Biswas A. Political History of Hūnas in India. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publ, 1973.
9. Cribb J. The Kidarites, the Numismatic Evidence”//An Analytical Appendix by A. Oddy, in Michael Alram et al. eds., Coins, Art and Chronology II: The First Millennium C.E. in the Indo-Iranian Borderlands, Vienna: Austrian Academy of Sciences, 2010. – P. 91-146.
10. Dani A.H. Eastern Kushans and Kidarites in Gandhara and Kashmir//

History of Civilizations of Central Asia, vol. 3, edited by B. A. Litvinsky, Paris: UNESCO, 1996. – P. 166-180.

11. Di Cosmo N. Ancient China and Its Enemies: The Rise of Nomadic Power in East Asian History. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002.

12. Fussman G. Les Yuezhi et le Koushanshahr//In Numismatic Evidence of the Kushan Empire, edited by Joe Cribb, – Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – P. 65-87.

13. Grenet F. Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephthalite periods//in Nicholas Sims-Williams ed., Indo-Iranian Languages and Peoples, Proceedings of the British Academy: 116. -New York: 2002. –P. 203-24.

14. Harmatta J. Late Bactrian Inscriptions. Acta Antiqua Academiae Scientiarum Hungarica 17, 1969. –P. 297-432.

15. Kurbanov A. The Hephthalites: Archaeological and historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010.

16. Kumar A. The Huns ('Hūṇas') in India: A Review // Studies in People's History, 8,2. 2021. - P 182–196.

17. MacDowall D.W. The Kidarite Kingdom in Gandhara and Surrounding Regions/ Journal of the Numismatic Society of India, vol. 34. – Hindiston: Numismatic Society of India, 1972. – P. 45-57.

18. Mızrak E.Ç. Başlangıçtan Mihiragula döneminin sonlarına kadar Hindistan hunaları (455 – 532)//Avrasya İncelemeleri Dergisi-Journal of Eurasian Inquires 2017; VI/2. – S. 131-147.

19. Ray A. The Hunas in India. Thesis submitted for the degree of Doctor of Philosophy at the University of London. –London: 1965.

20. Savaş M.M. Hint topraklarında ak hun varlığı// Türkiye’de Hindistan çalışmaları-I. Editörler Prof. Dr. A. Merthan Dündar, Doç. Dr. Yalçın Kayalı. Ankara: 2021. –S. 67-80.

21. Xiang W. A Study On The Kidarites: Reexamination Of Documentary Sources//Archivum Eurasiae Medii Aevi edited by Th. T. Allsen, P. B. Golden, R. K. Kovalev, and A. P. Martinez. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2012. №.12 - P. 243-303.

AMIR TEMUR VA ABDULLOHXON – MUSHTARAK TAQDIR

Mustaqillik yillarida shayboniyalar davri nisbatan kamroq o'rganilgan davrlardan biridir. Shunday bo'lsa-da, o'zbek tarixchiligida Shayboniyxon va Abdullohxonlarga nisbatan to'la befarqlik yoki bepisandlik hukm surapti desak, xato bo'ladi. Umumiy manzara o'zgarmayotgani bilan, yangicha qarashlarni ilgari suradigan tadqiqotchilar yetarlicha topiladi. Sovet davrida va mustaqillik yillarida, shuningdek, xorijda ham Abdullohxon shaxsiga bag'ishlangan maxsus asar bo'lmasada, u yoki bu tadqiqotlar doirasida ma'lum faoliyati tadqiq etilgan. Jumladan, sovet davrida V.V.Bartold, P.P.Ivanov, A.A.Semyonov, M.A.Salaxetdinova, Ye.A.Davidovich; mustaqillik yillarida R.G.Mukminova, B.Ahmedov, H.H.To'rayev, G.A.Agzamova, A.Ziyo, G.Sultonova, A.Jumanazar; xorijliklardan Mustafu Budak, Remzi Kilich, Gulay Karadag' Chinar, Abdulkadir Majid, Hamza Kamol¹¹⁰ kabi olimlar o'z ilmiy tadqiqotlarida Abdullohxon faoliyatining ba'zi jihatlariga e'tibor qaratib o'tganlar.

Keyingi paytlarda Abdullohxon shaxsiyatini qayta baholashga xayrixohlar ham ko'payib bormoqda. Abdullaxon shaxsiyati masalasi bir-ikkita tarixga qiziquvchi havaskor doirasidan chiqib, rasmiy mediaga, gazeta-jurnal va

110 Бартольд. В.В. Туркестан в эпохи монгольского нашествия / Соч. в 9 томах. Т. I. – М.: Восточной литературы, 1963; Бартольд. В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч. в 9 томах. – Т. II. Ч.1. – М.: Восточной литературы, 1963; Давидович Е.А. Корпус золотых и серебряных монет Шейбанидов. XVI век. — М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1992; Иванов П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII в., М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954; Семёнов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Вып. II. – Сталинабад, 1954; Салахетдинова М. А. Неизвестный документ, составленный в связи с походом шейбанида Абдулла-хана II на Герат в 1578 г. // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XXII годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (доклады и сообщения). 1988 г. Часть 1. М.: Наука, ГРВЛ, 1989; Салахетдинова М. А. Некоторые данные источников о борьбе Абдулла-хана II за власть в Бухаре // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. X годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (автоаннотации и краткие сообщения). М.: ГРВЛ, 1974. Ахмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: Нур, 1992. – 26-125-бетлар; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994; А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001; Ҳ.Тўраев. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг туган ўрни. Тарих фанлар докт., дис-я автореферати. Т., 2007; Г.Султонова XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёрқент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди. диссертацияси. – Т., 2005; Замонов А. Т. Бухоро хонлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув. Тарих фанлари фалсафа докт (PhD)., диссертацияси ва монографияси. – Т., 2018; Г.Агзамова. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих фан. докт., диссертацияси. – Т., 2000; Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар.) – Самарқанд, 1996, 2008; Хосейниширази С. С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе, 2014; Budak M. Osmanli-Ozbek siyasi munasebetlerinin boshlamasi // Avrasya Etudleri. – Ankara, 1996. – № 4.; Remzi Kılıç. Osmanlı siyasi ilişkileri (1530-1555) // Tarih konunları. – №2. – Ankara, 2001; Abdulkadir Macit. Şeybânî hanlığı (1500-1599). İstanbul, 2015.

saytlarga yetib kelgani, bahslarga sabab bo‘layotgani siljish borligidan dalolat. Aynan mana shunday bahslarda yangicha qarashlar asoslanadi va sayqallanadi.

Abdullohxonning ismi ham tarixshunoslikda “Abdullaxon II” shaklida ommalashgan. Odatda ko‘pgina tadqiqotlarda bir sulolaga mansub, bir xil nomga ega bo‘lgan bir nechta hukmdorlar (masalan, Abdullaxon I, Abdullaxon II yoki Ubaydullaxon I, Ubaydullaxon II va h.k.) nomlari o‘zi va otasining ismi bilan, ya‘ni shaxslarning Sharqqa xos an‘anaviy va rasmiy nomlanishiga muvofiq (Abdullohxon ibn Iskandarxon yoki Ubaydullaxon ibn Sulton Mahmud va h.k.) keltirilmay, ularga birinchi, ikkinchi, uchinchi kabi nisbalar berilib, boshqasidan ajratiladi. Lekin ular o‘z davrida rasman o‘zining, otasining, bobosining ismlari ketma-ketligida (Abdullohxon ibn Iskandarxon ibn Jonibek sulton) nomlangan hamda ularning shaxsini aniqlashtiruvchi “birinchi”, “ikkinchi”, “uchinchi” tartib raqamlarini qo‘shib aytish rasm bo‘lmagan. Aslida G‘arbga xos bo‘lgan bunday an‘ana (masalan, Genrix I, II, III va h.k.) yurtimiz ilm-fanida rus tarixshunosligi orqali ommalashgan bo‘lib, Abdullohxonning ko‘plab tadqiqotlarga “Abdullaxon Ikkinchi” bo‘lib kirishiga shu sabab bo‘lgan edi. Shuningdek, rus shaqshunoslari qo‘lyozma asarlarni tadqiq qilib, ular asosida o‘z asarini rus tilida yozgan yoki manbalarni rus tiliga ilmiy izohlari bilan tarjima qilgan. Buning natijasida Abdullohxon, Ubaydullohxon kabi hukmdorlarning nomlari “Abdulla-xan”, “Ubaydulla-xan” shaklida keltirilgan. Keyingi yillarda, ya‘ni so‘nggi sovet davri hamda mustaqillik yillarida olib borilgan ko‘plab tadqiqotlarda bu kabi tarixiy ismlar rus tilida yaratilgan tadqiqotlarga suyanilgan holda “Abdullaxon”, “Ubaydullaxon” shaklida buzilgan talaffuzda qo‘llanila boshlandi. Vaholanki, ularning ismlarida Alloh nomi aks ettirilgan bo‘lib, bu so‘zni buzib qo‘llash (aslida Abdulloh so‘zi Abdulla shaklida buzilgan) natijasida shayboniylarning mashhur humkdori ko‘plab adabiyotlarda “Abdullaxon” ko‘rinishida qo‘llanilib kelindi. Bundan tashqari, Abdullohxon tomonidan qabul qilingan ko‘plab hujjatlar, yorliqlar va farmonlar, viloyatlar hokimlariga yozilgan maktublari “Abdulloh Bahodirxon so‘zimiz” deb boshlangan¹¹¹.

Abdullohxon shaxsi o‘z davrida va uning vafotidan keyin ham muarrixlar tomonidan “sohibqiron”, “ulug‘ xoqon”, “Buxoro davlatining ravnaqi davri”, “Turonning so‘nggi buyuk hukmdori” kabi ta‘riflar bilan tavsiflanib kelindi. Turkiston mintaqasi ijtimoiy-siyosiy jihatdan tanazzulga yuz tutgan XIX asrda ham muarrixlar, jamoat arboblari Amir Temur va Abdullohxondek kuchli hukmdorga ehtiyoj sezib, o‘z asarlarida shunday hukmdorlar qayta kelishiga umid bog‘ladi. Jumladan, Ahmad Donish (1827-1897) o‘z asarida shunday yozadi: “Hijriyning har yuzinchi, minginchi yillarida davlat va jamiyatni yangilovchi hukmdor vujudga kelib turadi. Amir Temur Ko‘ragoniy hijriy sakkizinchi yuz yillik mujaddidi (yangilovchisi) sifatida vujudga keldi. Undan keyin islom diyorining har bir go‘shasidan mujaddidlar chiqdilar. Masalan, Sulton Xusayn (Mirzo) to‘qqizinchi mia (yuz, asr) yaqinida Hirotdan chiqdi.

111 Султонов Ў. Тошкент вақф мулклари тарихи: тарихий ҳужжатлар тадқиқи ва талқини (1507-1917). – Т.: “Фан” нашриёти, 2021. – Б. 72; Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 31.

Abdulloxon minginchi yil boshida Buxorodan mujaddid bo‘lib chiqdi”¹¹². Bundan ko‘rinadiki, adib Rossiya imperiyasi istibdodi davrida jamiyat shunday bir qudratli shaxsga ehtiyoj sezganini umid qilib kutgan.

Tarixdan ma’lumki, yurt tanazzulga uchragan, boshboshdoqlik avj olgan, mamlakat bosqinchilarning otlari oyoqlari ostida toptalayotgan bir paytda buyuk sarkarda va davlat arboblari yetishib chiqadi hamda mamlakat va xalqni yagona bayroq ostida birlashtiradi (masalan, Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur va h.k.). Abdullohxon ham o‘zbek davlatchiligi tarixida o‘ta ziddiyatli davrda, mamlakat bir necha bo‘laklarga bo‘linib parokanda bo‘lib ketgan, shayboniyzodalar o‘rtasida taxt talashlar xalqning tinkasini quritgan, yurt ijtimoiy-iqtisodiy va ma’naviy jihatdan tanazzulga yuz tutgan davrda yetishib chiqdi. U mavjud siyosiy va ijtimoiy odat hamda an‘analarga rioya qilgan holda “qilich va qon” bilan parchalangan davlatni birlashtirdi¹¹³. Birlashgan va harbiy-siyosiy jihatdan mustahkam bo‘lgan davlatda esa keng ko‘lamli islohotlarni amalga oshirish imkoni paydo bo‘ladi. Mazkur sharoitda Abdullohxon boshqaruv tartiblarini mustahkamlab, aholining ijtimoiy-iqtisodiy ahvolini yaxshilovchi islohotlarni amalga oshira boshladi. Ilm-fan va madaniyat sohasi vakillari ulug‘lanib, ular islohotlarning ilmiy yaratuvchilariga aylandi. Mamlakat bunyodkorlik maydoniga aylandi va Abdullohxonning o‘zi esa tarixda eng ko‘p imorat qurdirgan hukmdor sifatida qoldi. Ushbu shaxs jasorati va matonati bilan o‘zbek davlatchiligining bosib o‘tgan ibratli yo‘li bugun yetishib chiqayotgan yosh avlodga namuna bo‘lishi dolzarblik kasb etadi.

Bugungi kunda tarix ta’limi va tadqiqoti doirasida o‘rganiladigan tarixiy shaxslar ro‘yxatini chegaralamaslik, ularning birini boshqasiga qiyoslash orqali noxolis xulosalar chiqarishdan saqlanish zarur. Faqat Jaloliddin Manguberdi va Amir Temurdan iborat siyosiy arboblarni ro‘yxati o‘tmishning boyligini va buyukligini ko‘rsatish uchun kamlik qiladi. O‘zbek davlatchiligi tarixi jiddiyroq tadqiqotlarga muhtojdir.

Tarixiy shaxslarni bir-biriga qiyoslab, ajratib olib, eng kuchlisinigina e’tirof etib, qolganlariga bepisand qarash jamiyat ongida katta bo‘shliqni paydo qiladi. Mana shu qarash bilan shayboniyylarga Temur saltanatini qulagan, mustahkam davlat yarata olmagan, “ma’naviyatli”, bag‘rikeng inson bo‘lmagan, bizning yurtga bostirib kelgan, ko‘chmanchi, demakki, “yovvoyi” bo‘lgan degan qarash ustuvor bo‘lib keldi. Shuningdek, qiyosiy argument ko‘p ilgari suriladi: Amir Temur buyukroq bo‘lganmi, Abdullohxonmi? Abdullohxon Temurchalik buyuk bo‘lganmi? Bir shaxsga baho berish uchun uni boshqa shaxs bilan qiyoslash to‘g‘ri xulosalar keltirib chiqarmaydi: hamma birday buyuk, birday kuchli bo‘la olmaydi, illo har kimning tarixda o‘z o‘rni bor.

¹¹² Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлари хонадони салтанатининг қисқача тарихи. / Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ. Йўлдошев. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИИ, 2014. – Б. 17.

¹¹³ Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар). – Самарқанд, 2008. – Б. 37.

Turkiston tarixnavisligida markazlashgan davlat qurgan, zafarli yurishlarni amalga oshirgan ko‘plab hukmdorlarga nisbatan “sohibqiron” sifati qo‘llanilib kelingan. Jumladan, muarrixlar ko‘p hollarda Chingizxon, Amir Temur va Abdullohxonlarga nisbatan shu sifatni qo‘llashgan. Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda Amir Temur omili alohida g‘oyaga aylangach, sohibqiron so‘zi faqat Amir Temurgagina qo‘llanilgan degan tushuncha xalqimiz ongiga singib, “Sohibqiron” deyilganda faqat Amir Temurgina tushuniladigan bo‘lib qoldi. Vaholanki, XVI-XIX asr manbalarida Amir Temur bilan bir qatorda Abdullohxonga ham “sohibqiron” sifati ishlatiladi. Hatto, Abdullohxon ismi o‘rniga sinonim sifatida ham “sohibqiron” so‘zi qo‘llanilgan¹¹⁴.

Ma‘lumki, Turkiston hududida yirik imperiya tuzib, markazlashgan va har tomonlama mustahkam davlat qurgan shaxslar sanoqli. Shu masala haqida gap ketganda, albatta, Amir Temur mazkur vazifani bajargan yirik davlat arbobi sifatida eslanadi. XVI-XIX asr manbalarida, keyinchalik, jadid namoyandalari asarlarida ham Amir Temur va Abdullohxon bir qatorda ta‘riflangan, ular bir-birlariga qiyoslangan. Chunki, Turkiston hududini yagona markaz atrofida birlashtirgan, bu hududda eng yirik imperiya tuzgan mahalliy davlat arboblarining ilk vakili Amir Temur bo‘lsa, eng so‘nggisi Abdullohxon edi. Manbalarda ba‘zi qudratli davlat arboblari ayrim navbatchi iboralar bilan bir-birlariga qiyoslanganlar. Masalan, Amir Temur tarixiga bag‘ishlangan “Zafarnoma”lar, Abdullohxonga bag‘ishlangan “Abdullanoma”, “Musaxxir al-bilod” asarlarida har ikkala shaxsning davlati mustahkamligini, qonun-qoidalar qat‘iy o‘rnatilganini izohlay turib, “agar kuppakunduzi yoppayolg‘iz bir jon, bir tan quyoshdek oltin tabaqni boshiga qo‘yib sharqdan g‘arbg qarab yo‘l yursa, hech kimsa unga ko‘zining qirini ham tashlay olmaydi”¹¹⁵ kabi iboralarni keltirishadi. Abdullohxon davriga oid manbalarning aksariyatida (“Abdullanoma”, “Musaxxir al-bilod”, “Ravzat ar-rizvon”) xonning mamlakatlarni egallash, elchilar va hokimlar tayinlash, qo‘shinni boshqarish bilan bog‘liq tadbirlari Amir Temurga qiyoslanadi. Shuningdek, milliy mustaqillikni orzu qilgan jadid adiblari (xususan, Behbudiy, Fitrat) ham o‘z asarlarida mavjud istibdoddan qutqaradigan Amir Temur va Abdullohxonlar tarix qa‘ridan kelib, jamiyatni mustamlakachilik zulmidan ozod etishini “ilohiy qudratdan yolvorib” so‘raganlar¹¹⁶.

Albatta, bunday qiyoslar bejiz emas. Har ikkala davlat arbobining hayot yo‘li tahlil qilinsa, ko‘plab jabhalardagi faoliyatida mushtarakliklar mavjud.

*Birinchi*dan, har ikkisining ham davlatchilikdagi faoliyatida ancha

114 Bu haqda Hofiz Tanish Buxoriyning “Abdullanoma”, Muhammadyor ibn Arab Qatag‘anning “Musaxxir al-bilod”, Muhammad Yusuf Munshiyning “Tarixi Muqimxoniy” asarlaridagi tavsiflar bunga misol bo‘ladi.

115 Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. / Форс тилидан С.Мирзаев ва Ю.Ҳақимжонов таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 2-қитоб. – Т.: Шарк, 2000. – Б. 151.

116 Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: Ўқитувчи, 1999. – Б. 269. *Yana qarang*: Fitratning “Vayron bo‘lgan qabrlar” she‘ri.

o'xshashlik va yaqinliklar mavjud: Amir Temur ham, Abdullohxon ham hokimiyatni o'z otasidan meros qilib olmagan va o'zlari harbiy-siyosiy kurash yo'li bilan davlat tepasiga kelgan. Amir Temur Movarounnahr hokimiyatini egallagach, Chig'atoy xonlaridan ikki nafari – Suyurg'atmishxon (1370-1388) va uning o'g'li Sulton Mahmudxon (1388-1402)larni birin-ketin “oliy hukmdor” sifatida taxtga chiqarib, amalda boshqaruv jilovini o'z qo'lida saqlagan edi¹¹⁷. Abdullohxon ham 1557-yil Buxoro hokimiyatini egallagach, dastlab amakisi Pirmuhammadxon (1557-1561), keyin otasi Iskandarxon (1561-1583)ni taxtga chiqarib, amalda davlatni o'zi boshqargan edi¹¹⁸.

Ikkinchidan, har ikki shaxs siyosiy maydonga kelgan vaqtda mamlakat tanazzulga yuz tutgan, parokandalik avj olib, boshboshdoqlik kuchayib, qo'shni davlatlarning bosqinchilik yurishlari, talon-tarojlar ko'paygan palla edi. Ular (Amir Temur va Abdullohxon) bu kurashda yengib chiqib (1370, 1557), qisqa davr ichida markazlashgan davlat bunyod eta oldilar. Shuningdek, har ikkisining vafotidan keyin (1405, 1598) ular tuzgan yirik imperiya o'zaro toj-u taxt talashlar natijasida parchalana boshladi.

Uchinchidan, Amir Temurning uch shayxga nisbatan ixlosi juda baland edi. Bular Shamsiddin Kulol, Sayyid Baraka va Zayniddin Tayobodiydirlar. 1) Shamsiddin Kulol (vafoti 1370, Kesh) Amir Temurning otasi Amir Tarag'ay (vafoti 1360)ning piri edi. U Temurning o'ziga ilk bor uning porloq kelajagi haqidagi bashoratni ham aytgan edi. 2) Mir Sayyid Baraka (vafoti 1404) bilan Amir Temur ilk bor 1370-yil Termiz yaqinida uchrashgan. Mir Sayyid Baraka birinchi uchrashuvdayoq Amir Temurga saltanat timsoli, zafar va g'alabalar ramzi bo'lgan nog'ora va bayroq tuhfa qilgan edi. 3) Zayniddin Tayobodiy xurosonlik yirik shayx va shayx ul-islom bo'lgan¹¹⁹. Temur o'zining Xurosonga qilingan yurishlaridan biri chog'ida (1381) shayx bilan uchrashgan va unga o'z ehtiromini izhor etib, shu vaqtdan pir sifatida ulug'lay boshlagan¹²⁰.

Abdullohxon ham o'z faoliyatida uch din ulamosiga ixlos qilib¹²¹, doimo ularning ma'naviy qo'llab-quvvatlovi bilan mamlakatni mustahkamlashga harakat qilgan. 1) Xoja Islom Jo'yboriy¹²² (1493-1563)ga dastlab Iskandarxon, keyin esa uning o'g'li Abdullohxon murid tutingan. 1557-yil Abdullohxon tomonidan Buxoroning uzil-kesil egallanishi ham shu ulamoning ko'magida amalga oshgan edi¹²³. 2) Xoja Islom vafot etgach, Abdullohxon uning o'g'li

117 Замонов А. Темурийлар даврининг “фахрий махбус” хонлари тавсифида. // Сохибкирон юлдузи. 2020 йил, -№ 2 (40)сон. – Б. 12-13.

118 Замонов А., Тўхтабеков К. Бухоро хонлигида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. –Т.: Turon-Iqbol, 2008. – Б. 67-68.

119 Дадабоев Х, Амир Темур даврдoshi. – Т.: Navoiy universiteti, 2018. – Б. 71, 144, 228.

120 Фасих Хавафий. Мужмали Фасихий. / Форс тилидан таржима, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Д.Ю.Юсупова. – Т.: Фан, 2018. – Б.134.

121 Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 162.

122 “Jo'ybor” so'zi “ko'p ariqlar joyi”, “katta ariq” ma'nolarida qo'llanilib, Abdullaxon davri shayxlarining Jo'ybor xojalari nomini olishi XV asr boshlarida Xoja Muhammad Yahyoning (Xoja Muhammad Islomning bobosi) Jo'yborga ko'chib kelishi bilan bog'liq.

123 Тўраев Х. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фан.док. ...дисс. – Т., 2007. – Б. 78-83.

Xoja Sa'd Jo'yboriyini davlatning shayx ul-islomi darajasiga ko'tarib, xoja vafot etgunga qadar (1589) uning ma'naviy ta'sirida bo'lgan¹²⁴. 3) Abdullohxon karmanalik Qosim Shayx Azizon (vaf. 1581)ga ham qattiq ixlos qilgan va shayx xonning qo'shni davlatlar (Xorazm, Qozoq xonligi) bilan sodir bo'lgan ko'pgina siyosiy nizolarini diplomatik yo'l bilan bartaraf etilishida faol qatnashgan¹²⁵. Shuningdek, hukmdorlar davlat va jamiyat boshqaruvida doimo bu ulamolarning madadiga tayangan.

To'rtinchidan, har ikki hukmdordan ham bitta manzilda, deyarli bir xil mazmundagi yodgorlik saqlanib qolgan. To'g'rirog'i, bu masalada Abdullohxon Amir Temurga taqlid qilgan. Hozirgi Qozog'iston Respublikasidagi Ulug'tog' darasida (Jezqazg'andan 100 km. shimolda, Sarisu daryosi shimolida joylashgan tog') ikkala hukmdorning toshga o'yib yozdirgan "zafarnoma"si topilgan (Rossiyaning Ermitaj muzeyida saqlanadi)¹²⁶. 1391-yil Amir Temur To'xtamishxonga qarshi yurishi chog'ida Ulug'tog'ga yetib kelib, bir kun ichida uning tepasiga tug' o'rnatib, qarorgoh qurdirgan va qo'shinga atrofdan tosh to'plab keltirishni hamda minorasimon inshoot qurishni buyurgan¹²⁷. Toshtaroshlar harsang toshga 2 tilda – arab va qadimgi uyg'ur tilida bitik yozganlar. Bitik 11 satrdan iborat bo'lib, 8 satri qadimgi uyg'ur va 3 satri arab harfidadir¹²⁸. Turkiy yozuvda naqsh qilingan xotiraning matni quyidagicha: "Tarix yetti yuz to'qson uchinda, qo'y yili yoz (ko'klam) oyi orasi Turonning sultoni Temurbek ikki yuz ming cherik bilan islom uchun Bulg'or xoni To'xtamishxonga qarshi yurdi. Bu yerga yetib, belgi bo'lsin deb bu tepani qurdi. Tangri nusrat bergay, inshaalloh. Tangri el kishiga rahmat qilg'ay, bizni duo bila yod qilg'ay"¹²⁹.

Oradan 200 yil o'tgach, Dashti Qipchoqqa, Bobo sultonga qarshi yurish qilgan Abdullohxon ham o'tmishdoshidan o'rnak olib, Amir Temur qurdirgan minora qarshisida, Ulug'tog' safaridan yodgorlik sifatida masjid qurdirgan. Bu haqda Hofiz Tanish Buxoriy shunday yozadi: "O'sha kuni (1582-yil 3-may) namozi peshingacha to'xtab lashkarga buyurdiki, "Ko'p tosh to'plasinlar". Buyruqni bajarib to'plangan toshdan oliysha'n u makonda bir masjid bino qildilar. Shu bilan ro'zg'or sahifalarida u balandqadr shohdan bir yodgorlik qoldirdilar. Shunday ishni firdavsmakon, dinu dunyo qutbi shahriyor Amir Temur Ko'ragon... ham qilgan edi"¹³⁰.

124 O'sha asar. – B. 108-109.

125 *Batafsil qarang*: Qандахаров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти. – Т.: Tafakkur qanoti, 2018. – Б. 144-160.

126 Замонов А., Эгамбердиев А. Амир Темур тарихидан лавҳалар. – Т.: Bayoz, 2021. – Б. 93.

127 Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад ва Ҳ. Бобобеков. – Т.: Шарк, 1997. – Б. 131.

128 O'sha asar. – B. 336.

129 Азамат Зиё. Ялангтўш Баҳодир – илм-фан ва маданият ҳомийси. // Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил, 3 март, 44-сон. – Б. 5.

130 Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. / Форс тилидан С.Мирзаев ва Ю.Ҳақимжонов таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 2-китоб. – Т.: Шарк, 2000. – Б. 71.

Beshinchidan, ma'lumki, Amir Temur o'z faoliyati davrida nafaqat Movarounnahrda, balki davlat tarkibiga kirgan Xuroson, Eron, Yaqin Sharq va Kavkaz hududlarida ham ko'plab inshootlar qurdirgan. Ayniqsa, Movarounnahr markaziy shaharlari – Samarqand va Kesh keng bunyodkorlik maydoniga aylangan, Sharqning ko'plab usta-binokorlari masjid, madrasa, xonaqoh, maqbara, minora kabi inshootlar qurilishida ishtirok etgan. Abdullohxon davrida ham Movarounnahrda yuzlab inshootlar qurildiki, ularning balandligi va hashamatidagi ulug'vorlik Amir Temur inshootlariga yetmasa-da, miqdor jihatidan butun temuriylar qurdirgan imoratlar sonidan ko'p edi. Shu jihatdan ham, ularning me'morchilikka qo'shgan hissasini baholagan akademik V.V.Bartold haqli ravishda Amir Temurni "O'rta Osiyoning birinchi bunyodkori" degan bo'lsa, Abdullohxonni "O'rta Osiyoning ikkinchi bunyodkori" deb ta'riflaydi¹³¹.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, shayboniylar sulolasining XVI asr ikkinchi yarmida hukmronlik qilgan yirik vakili Abdullohxon mazkur asrning birinchi yarmida temuriylar sulolasi hukmronligiga barham bergan suloladoshi Muhammad Shayboniyxon bilan bir xilda qaralib kelinmoqda. Muhammad Shayboniyxon "o'zga hududdan kelib, bizning ajdodlarimizni hokimiyatdan mahrum etgan" degan noxolis va noilmiy qarashlar hukm surib kelgan bo'lsa, Abdullohxon shu sulola vakili sifatida shunchaki, o'z bahosini olmadi, ilmiy tadqiqotlar doirasiga kam tortildi.

Shuningdek, tarixshunoslikda Abdullohxon shaxsining Temur va temuriylar darajasidan ancha pastda ko'rsatilishi manbashunoslik tadqiqi bilan bog'liq. Chunki, Abdullohxon tarixini yozgan muarrixlar Amir Temur tarixini yozganlarchalik yirik va bir necha sonli emas. Bundan tashqari, Abdullohxon vafotidan keyin uning tarixini yozadigan muarrixlik maktabi qolmadi. Temuriylar esa Amir Temurdan keyin yana yuz yil hukmronlik qildilar, ularning saroyi tarixchilari o'z hukmdorlarining qudratini yuksak qilib ko'rsatishi uchun ham sulola asoschisini bosh g'oya sifatida ulug'lab yozishlari tabiiy edi. Bundan tashqari, shaxslar tarixini mahorat bilan yoritish masalasi: Temur va temuriylarning tarixchilari Eron va Turon tarixchilarining eng saralari, yirik dunyoviy imperiyalarga xizmat qilgan solnomachilar bo'lsa, Abdullohxonning tarixchilari Movarounnahr tarixchilarining yetakchilari, ko'proq mahalliy ahamiyatga ega muarrixlar sanalgan. Har ikkala sulolaning tarix ijodkorlari bir xil usulda matn tuzganlar, yozuvchilik mahoratlari jihatdan bir-birlaridan ustun turmaganlar. Ammo, tarix yozishda Sharafutdin Ali Yazdiy, Nizomiddin Shomiy, G'iyosiddin Ali singari Amir Temur va temuriylar davri tarixchilari Hofiz Tanish, Hofiz Muqimiy, Muhammadyor ibn Arab Qatag'an kabi Buxoro tarixchilariga qaraganda ko'proq geografik hududlar, dunyoning turli yerlaridagi mamlakatlar va xalqlarga oid voqealar tafsilotini ko'proq bayon qilganliklari bilan ajralib turadilar. Fors-tojik tilida tarixni yozishdagi qofiyador saj usuli, voqealarni tasvirlashdagi badiiy tashbeh san'ati ko'pgina tarixchilar

131 Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар). – Самарқанд, 2008. – 32 б.; Бартольд В.В. Соч. II., ч. 2. С. – 164.

uchun o'ziga xos yozish mahorati bir-biriga yaqin bo'lganligidan dalolat beradi.

Bundan tashqari, Amir Temur haqida ikkita "Zafarnoma" bo'lib (Shomiy, Ali Yazdiy), ular bugungi kunga qadar bir nechta tillarga tarjima qilinib chop etilgan, yetarlicha ommalashtirilgan. Abdullohxon haqida ham ikkita "Zafarnoma" (Hofiz Muqimiy, Badriddin Kasmiriy) aniqlangan bo'lib, ular hozirga qadar yetarlicha o'rganilmagan, ilmiy muomalaga kiritilmagan. Shuningdek, Amir Temurga bag'ishlangan "Zafarnoma"lar hajmi va mazmuni jihatidan yirik asarlar bo'lsa, Abdullohxonga bag'ishlangan "Zafarnoma"lar asosan nazmda yozilgan kichik hajmdagi asarlardir. Shu kabi omil ham tarixshunoslikda Abdullohxon shaxsiyatini biroz "kichraytirib" ko'rsatilishiga sabab bo'lishi mumkin.

Shu sababli ham Abdullohxon o'z davrining tarixchilari tomonidan Chingizxon va Amir Temurga qiyos qilingan hamda sohibqiron¹³², ulug' xoqon laqablari bilan sifatlangan. Bugungi kun dunyoqarashi bilan qaralsa, Abdullohxon faoliyatining salbiy va ijobiy jihatlari ham mavjud. Shu masalalardan kelib chiqib, uning faoliyatini o'rganishda xolislik, tarixiylik muhim mezon etib belgilanishi lozim.

132 Majoziy ma'noda bu saodatmand, zafarmand ma'nolariga ham muvofiq keladi.

Rezume

Maqolada Shayboniylar sulolasining yirik vakillaridan biri bo'lgan Abdulloh Bahodirxon shaxsining o'rganilishi, bu hukmdor faoliyatiga qarashlar, uning Amir Temur shaxsi bilan solishtirilishi kabi masalalar yoritilgan. Shuningdek, Abdulloh Bahodirxonning o'z faoliyatida Amir Temur shaxsiga taqlid qilishi, uning temuriylar sulolasini g'oyaviy dushman sifatida qaramasligi kabi masalalar tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: *Shayboniy, Abdullohxon, Abdullaxon II, manba, Amir Temur, Sahibqiron, shaxs, Turkiston, Movarounnahr, diniy ulamo, davlat.*

В статье освещаются такие вопросы, как изучение личности Абдуллы Бахадур-хана, одного из видных представителей династии Шейбанидов, взгляды на деятельность этого правителя, его сравнение с личностью Амира Темура. Также были проанализированы такие вопросы, как подражание личности Амира Темура Абдуллою Бахадурханом в своей деятельности, его неприятие династии Темуридов как идеологического врага.

Ключевые слова: Шейбани, Абдуллахан, Абдуллахан II, источник, Амир Темура, Сохибкиран, личность, Туркестан, Мавераннахр, религиозные ученые, государство.

The article covers the study of the personality of Abdullah Bahadur Khan, one of the prominent representatives of the Shaybanid dynasty, views on the activities of this ruler, and his comparison with the personality of Amir Timur. In addition, such issues as Abdullah Bahadur Khan's imitation of the personality of Amir Timur in his activities, his non-consideration of the Timurid dynasty as an ideological enemy, were analyzed.

Keywords: *Shaybani, Abdullah Khan, Abdullah Khan II, source, Amir Timur, Sahibqiran, individual, Turkestan, Transoxiana, religious scholar, state.*

МУНДАРИЖА

Долзарб мавзу

Баратов М., Ҳакимов Р., Акрамходжаев Б. Хитойнинг логистика соҳаси ва унинг Жаҳон савдо ташкилотигаги етакчилиги тўғрисида 3

Филология

Содиқов Қ. Мир Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзану-л-асрор” асари уйғур ёзувли қўлёзмалари18

Омонов Қ. Туркий тиллар тарихида расмий услубининг юзага келиши ва генезиси масалалари26

Мамадалиев Ҳ. Салжуқийлар сулоласи хизматидаги Мовароуннаҳр шоирлари33

Тарих

Абдуҳалимов Б., Муҳаммадаминов С. XII аср Самарқанд шаҳри дипломатик ва ҳуқуқий маданиятининг ан-Насафий энциклопедиясида акс этиши 40

Каримова Н. «Мин Шилу» асари маълумотларига кўра, Амир Темур салтанати ва Мин сулоласининг савдо-элчилик муносабатлари46

Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чоч воҳасида зарб қилинган тангалар ва улар топилган археологик объектлар..... 54

Султонов Ў., Картова З. Қозоқ хони Таваккалхон ёрлиқлари (ҳ.й. 1582–1598)62

Джуманиязова Ф. V-VI аср ҳинд ёзма ёдгорликларида «Хуналар»: Кидарийлар ёки Эфталийлар. 73

Замонов А. Амир Темур ва Абдуллоҳхон – муштарак тақдир 82

CONTENTS

Topical issue

Baratov M., Hakimov R., Akramkhojaye B. On China's Logistics Sector and Its Leadership in the World Trade Organization.....	3
--	---

Philology

Sadiqov Q. Uyghur Manuscripts of <i>Makhzan al-asrar</i> by Mir Haydar Khowarazmi.....	18
Omonov Q. The Questions of the Origin and Genesis of the Official Business Style in the History of the Turkic Languages.....	26
Mamadaliyev H. Poets from Mawarannahr “who” served at the Seljuk “court”	33

History

Abdukhalimov B., Muhammadaminov S. Diplomats and Legal Culture of 12th Century Samarkand through the Prism of al-Nasafi's Encyclopedia.....	40
Karimova N. Trade and Ambassadorial Relations of Amir Temur's Empire and the Min Dynasty according to <i>Min Shilu</i> Data.....	46
Boboyorov Gh. Coins Minted by the Western Turkic Qaghanate in the Chach Oasis and the Archaeological Contexts of Their Discovery	54
Sultonov U., Kartova Z. Royal Deeds of Qazaq Ruler Tawakkal-khan (r. 1582–1598)	62
Djumaniyazova F. “Hunas” in Indian Inscriptions of the 5th-6th Centuries: Kidarids or Hephthalites?	73
Zamonov A. Amir Temur and Abdullah-khan – a similar fate.....	82

СОДЕРЖАНИЕ

Актуальные темы

Баратов М., Хакимов Р., Акрамходжаев Б. О логистической отрасли Китая и её лидерстве во Всемирной торговой организации3

Филология

Содилов К. Уйгурописьменные рукописи «Махзан ал-асрар» Мир Хайдара Хоразми..... 18

Омонов К. Вопросы возникновения и генезиса официально-делового стиля в истории тюркских языков26

Мамадалиев Х. Поэты из Мавераннахра, служившие при сельджукидском дворе.....33

История

Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. Дипломатика и правовая культура Самарканда XII века сквозь призму энциклопедии ан-Насафи40

Каримова Н. Торгово-посольские отношения империи Амира Темура и династии “мин” по данным «Мин Шилу»46

Бобоёров Г. Монеты, чеканенные Западно-Тюркским каганатом в оазисе Чач, и археологические объекты, на которых они были обнаружены54

Султонов У., Картова З. Ярлыки казахского хана Таваккал-хана (1582–1598).....62

Джуманиязова Ф. «Хуны» в индийских надписях V-VI веков: Кидариты или Эфталиты?.....73

Замонов А. Амир Темур и Абдуллах-хан – схожие судьбы.....82

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

М.Х. Баратов – ЎзР ФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

Р.Т. Ҳакимов – ЎзР ФА Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими, юридик фанлар доктори, доцент.

Б.Т. Акрамходжаев – ЎзР ФА Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент.

Қ.П. Содиқов – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори.

Қ.Ш. Омонов – Тошкент давлат шарқшунослик университети биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор.

Ҳ. Мамадалиев – Тошкент Кимё Халқаро университети доценти, т.ф.н.

Б. А. Абдуҳалимов – Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор.

С.А. Муҳаммадаминов – ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент.

Н.Э. Каримова – ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор.

Ғ.Б. Бобоёров – ЎзР ФА Миллий археология маркази бош илмий ходим, т.ф.д., проф.

Ў.А. Султонов – ЎзРФА Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор.

З.К. Картова – Шимолий Қозоғистон университети доценти, тарих фанлари номзоди.

Ф.Дж. Джуманиязова – ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, PhD, доцент.

А.Замонов – Тошкент Кимё халқаро университети «Тарих» бўлими мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Журналда докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларига оид илмий мақолалар эълон қилиш учун ТАЛАБЛАР

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).

2. Чоп этиладиган илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– *ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжуд бўлиши;*

– *фойдаланилган асосий адабиётларнинг аниқ келтирилиши ва мақоланинг камида 0,25 б.т. ҳажмида бўлиши;*

– *муаммонинг қўйилиши; материалнинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги; манбаларнинг ишончлилиги; хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг асослилиги назарда тутилади.*

Лицензия издательства AI №266, 15.07.2015 г.

Изд. №1-78. Сдано в набор 25.08.2025. Подписано в печать 23.09.2025.
Формат 70x108 $\frac{1}{16}$. Гарнитура "Arial". Печать офсетная. Бумага офсетная.
Усл.-печ. л. 13,50. Уч. – изд. л. 10,6. Тираж 95.
Цена договорная.

Отпечатано в типографском отделе Издательства "Фан" АН РУз. Заказ №14.
100047, Ташкент, ул. Я. Гулямова, 70.